

Киши ба тарбияттын  
салынатын жеке жана  
ката баштапкан  
Көлпүнүүк жана шартнома  
руйнаташ орденинан "NGASHI"  
№16 11.02.2010  
мисс *М.А.Саматов*

Мехнат жамоасынын конференциясыда  
миткүллапган  
2022 йил «28» 04  
-жылдан шартномасы

## "НАУОЙАЗОТ" АЖНИНГ

2022-2024 йиллар учун

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Мехнат жамоасынын конференциясындай  
шартномасынан кийиндеңдеги миткүллапган  
имада чеккелгилэр:

Иш беруучи



Самиров О.Ш.

2022 «28» 04

Касаба-шарынан күмбәзек рашын



Фаттаева Ф.Х.

2022 йил «28» 04

Жамоа шартномасынан кийиндеңдеги имадолаудын:

Иш беруучи вакиллары:

1. Саматов Ф.Х.

2. Тилаков Х.С.

3. Нобокулов Х.А.

4. Тодибек О.А.

5. Хабибуллаев Ш.М.

Холимлар вакиллары:

1. Иркулов Б.Ш.

2. Жандамов А.Х.

3. Берликова Д.Ж.

4. Ахметалиджаева В.М.

5. Ачиев А.С.

## **I. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур жамоа шартномаси «Navoiyazot» акциядорлик жамиятида иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иктисодий, касбга оид ва ташкилий муносабатларни тартибга солувчи, 2022-2024 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ, “O’zkimyosanoat” акциядорлик жамияти ҳамда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаси ўртасида тузилган тармоқ тариф келишувини назарда тутган ҳолда тузилган норматив ҳужжат ҳисобланади.

1.2. Куйидагилар мазкур жамоа шартномасининг тарафлари деб ҳисобланади:

- иш берувчи - “Navoiyazot” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси тимсолида;
- ходимлар – “Navoiyazot” акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси тимсолида.

1.3. Жамоа шартномаси томонлар вакиллари имзоланган кундан кучга киради ва 2022-2024 йиллар амалда бўлади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг тарафлар томонлар янги жамоа шартнома қабул қилгунга қадар ёки амалдаги жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритгунга қадар амалда бўлади.

1.4. Мазкур Жамоа шартномаси иш берувчига ва корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан мазкур шартнома кучга киргандан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳамда касаба уюшма қўмитасининг штатдаги ходимларига ҳам тадбиқ этилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда унинг айрим бандлари куйидагиларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади:

- ходимнинг оила аъзоларига;
- “Navoiyazot” АЖда камида 5 йиллик иш стажига бўлиб, ёшга доир пенсияга кетиши муносабати билан меҳнат муносабатлари бекор қилган пенсия бюросида ҳисобда турган шахсларга;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар кўрган собиқ ходимларга;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатлигига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ходим қаромогида бўлган ва зарар тўловини олиш хукукига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;
- жамоа шартномасининг айрим бандлари бошқарув раиси ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорига асосан «Navoiy Invest Construction and Engineering» МЧЖ аппарати штатидаги ходимларига ҳам тадбиқ этилиши мумкин, жамоа шартномасидаги моддий ёрдам ва бошқа имтиёз, кафолатлар билан боғлиқ харажатлар «Navoiy Invest Construction and Engineering» МЧЖ ҳисобдан қопланади. “Офтобжон” болалар согломлаштириш оромгохи, санаторий-профилакторийга йўлланма ажратиш ва ТСҚ хизматларидан фойдаланиш корхона ходимларга белгиланган тартибда амалга оширилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида Низом»га биноан мазкур

жамоа шартномасини иш ҳафтаси муддатига (5.1.-банди), тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (6.15.-кичик банди), иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидағи ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (6.17.-кичик банди) оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1.5. Жамоа шартномасининг лойиҳаси ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар “Мехнат консультацияси доимий комиссияси” йиғилишларида кўриб чиқилади, комиссия ўз фаолиятини “Комиссия” тўғрисидаги Низом асосида олиб боради.

1.6. Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўзаро розилиги билан кейинчалик меҳнат жамоаси конференциясида тасдиқлаш шарти билан қўшма-қарор асосида амалга оширилади.

Жамоа шартномасини амал қилиш муддати давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида жамоа шартномасида бевосита киритилиши шартлиги белгиланган имтиёзларни пасайтирмасдан корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан келиб чиқиб, жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш касаба уюшмаси ва иш берувчи томонидан келишган холда қўшма-қарор асосида расмийлаштирилади.

1.7. Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси қуидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

- жамоа шартномаси матни, у конференцияда қабул қилингандан сўнг икки ой муддат давомида барча ходимлар эътиборига етказиш;
- ишга янги қабул қилинган ходимларни жамоа шартномаси, шунингдек корхонанинг Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилинган бошқа локал хужжатлари билан таништириш, жамоа шартномаси мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини таъминлаш.

## П. БЎЛИМ

### «NAVOIYAZOT» АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

2.2. “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Тараққиёт стратегияси”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда Корхона шаънига путур етказиш қалтисликларини олдини олиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган холда тарафлар:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, саноат, транспорт, алоқа ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

ташқи ва ички бозорларда товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

энергия ва ресурслар сарфини пасайтириш, энергияни тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш;

хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчи ташкилотлардан меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва хуқуқлар (касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш хуқуки, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш, меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик принциплари)га риоя этилишини талаб қилиш;

мосланувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш хусусида келишиб олдилар.

### **2.3. Корхона фаолиятини яхшилаш мақсадида Иш берувчи:**

а) корхона муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳоларнинг амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

б) ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

в) меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

г) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, корхонанинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳакида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

д) корхонанинг ўкув Марказида, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

е) касаначилик меҳнатини самарали ташкил этиш мақсадида касаначи билан тузилган меҳнат шартномасидаги ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат қўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ва ҳоказоларни назарда тутувчи барча шарт-шароитларни яратиш;

ж) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, корхонанинг таъсис хужжатларида, ҳамда мазкур жамоа шартномада назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни касаба уюшмаси қўмитасига тақдим этиб бориш;

з) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида қўриб чиқиш, меҳнат низоларини музокара йўли билан ҳал этиш;

и) Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларини Корхонанинг бошқарув органлари, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилувчи комиссиялар таркибиға киритиш;

к) Корхонани ва корхонага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

л) рационализаторликни ривожлантириш;

м) корхонанинг иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта хисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш;

н) барча бўғин касаба уюшмаси вакилларини Устав вазифаларини бажариш учун иш жойларига монеликсиз қўйиш;

о) корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

#### **2.4. Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) корхонанинг бошқарув органларига (ҳайъат ва ҳ.к.) сайланган, шунингдек ходимларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилувчи комиссиялари таркибига киритилган Касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари Корхона ҳамда ходимлар манфаати йўлида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

в) касаба уюшмалари фаолиятига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, Иш берувчи билан биргаликда илғорларни рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали Корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, Корхонани бошқариш, ходимлар манфаатидан келиб чиқсан ва Корхонанинг молиявий имкониятларини эътиборга олган ҳолда жамоа шартномасига қўшимча имтиёзлар (кафолатлар) киритиш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ҳамда дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни Иш берувчига киритиб бориш;

д) ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

е) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар ижросида Корхонанинг иштирокини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

ж) электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тармоқ кўрик-танловида иштирок этиш;

з) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташабbusлари билан чиқиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади;

и) корхонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон

Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга бархам беришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарори тавсияларига амал қиласди ва иш берувчи томонидан тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

## **2.5. Ходимлар:**

- а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва оғишмай бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, Иш берувчининг қонуний фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;
- б) ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ўз ҳамкасларининг ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибасидан фойдаланиш;
- в) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш;
- г) мунтазам равишда ўз малакасини ошириш ва билимини чуқурлаштириш;
- д) ички меҳнат тартиби қоидалари, хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва йўриқномалар талабларига қатъян риоя қилиш;
- е) корхона мулкини авайлаб-асраш ва эҳтиёт қилиш;
- ж) ҳамкасларини фуқаролик хуқуклари ва мажбуриятларини ўзаро ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиш;
- з) ўз обрўсига ёки корхонанинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;
- и) фуқароларнинг хуқуклари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- к) иш жойларини тоза ва тартибли тутиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

2.6. Меҳнат жамоаси ўз ваколатларини корхона касаба уюшма қўмитаси орқали амалга оширади.

2.7. Меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг юқори органи конференция ҳисобланади.

## **III. БЎЛИМ**

### **ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ**

### **ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ**

3.1. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси ўзаро муносабатларида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласдилар.

3.2. Иш берувчи корхонада ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида касаба уюшмаси қўмитасини тан олади.

3.3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро

шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя килади, унинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашади;

3.4. Касаба уюшмаси қўмитаси Иш берувчи томонидан ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек мазкур Жамоа шартнома талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни бир ҳафталик муддатда кўриб чиқади ва кўриб чиқиши натижалари ҳақида Касаба уюшмаси қўмитасини хабардор қилади. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конунининг 34-, 46-моддалари*).

### **3.5. Иш берувчи:**

ходимларнинг ёзма аризалари асосида иш ҳақидан камида 1 фоиз миқдоридаги касаба уюшмаси аъзолик бадаллари корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолинишини ва пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда касаба уюшма ташкилотига ўтказилишини;

бухгалтерия орқали ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни тўлаш билан бир вактда касаба уюшмаси ташкилотига ўтказиб беришни кафолатлади.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2012 йил 15 марта 2342-рақам билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўрикномага биноан Корхона ҳисобварагида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

### **3.7. Иш берувчи қўйидагиларни бажариш мажбуриятини олади:**

3.7.1. жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан аввал Касаба уюшмаси қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

3.7.2. Ходимлар манфаатига тааллуқли қарорлар қабул қилингунга қадар касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш, қонунчиликда ва корхонанинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш;

3.7.3. Касаба уюшмаси қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда корхонанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

3.7.4. Касаба уюшмаси қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, мебель, ташкилий техника воситалари, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари билан бепул таъминлаш;

Касаба уюшма қўмитаси учун фойдаланишга берилган хоналар, фаоллар зали ва кутубхонани таъмирлаш ва зарур мебеллар билан жиҳозлаш;

3.7.5. Касаба уюшма қўмитасига, унинг таъмирловини ва техник хизматини, шунингдек, амалдаги меъёрлар бўйича ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминланган ҳолда, енгил автотранспорт ажратиш;

3.7.6. Касаба уюшма қўмитасининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва унга қабул қилинган қарорлар тўғрисида ёзма жавоб қайтариш;

3.7.7. Касаба уюшма қўмитаси томонидан ваколат берилган шахсларни ходимларнинг иш жойларига боришлирига тўсқинлик қилмаслик;

3.7.8. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1971 йил 23 июлдаги (Ўзбекистон учун 1997 йил 15 декабрдан кучга кирган) «Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида»ги 135- сонли Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуидаги тоифалари мазкур жамоа шартнома мақсадларида меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилади:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссияси аъзолари;
- г) ишлаб чиқариш ва цех касаба уюшма қўмитаси раислари;
- д) касаба уюшма қўмитаси комиссияси аъзолари.

3.7.9. Касаба уюшмаси қўмитаси розилиги билан касаба уюшма органлари таркибиغا сайланган ва ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда фаолият олиб бораётган ходимларга, шунингдек меҳнат муҳофазаси вакилларига ойлик меҳнат ҳақини сақлаган ҳолда жамоа манфаати йўлида жамоатчилик вазифаларини бажаришлари учун:

Ишлаб чиқариши касаба уюшма қўмитаси раисларига	- ҳафтасига 6 соат;
Цех касаба уюшма қўмитаси раисларига	- ҳафтасига 3 соат;
Сайлаб қўйиладиган касаба уюшма қўмитаси органлари аъзоларига	- ҳафтасига 3 соат;
Меҳнат муҳофазаси жамоатчи вакилларига	- ҳафтасига 3 соат;
Меҳнат муҳофазаси бўйича катта вакил, комиссия раисига	- ҳафтасига 6 соат

3.7.10. Касаба уюшма фаолларини Касаба уюшма органлари Қурултойларда, мажлис ва раёсат йиғилишлари ва ўкув семинарларда иштирок этишлари учун ойлик иш ҳақини сақлаган ҳолда ишдан озод этиш;

3.7.11. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига биноан касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими)ни бериш, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса шу ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига teng бошқа иш (лавозим) бериш мажбуриятини олади.

3.7.12. Иш берувчининг ташаббуси билан касаба уюшма қўмита аъзолари, ишлаб чиқаришлар ва цех касаба уюшмалари, жамоатчилик комиссиялари таркибига сайланган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ходимлар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан амалга оширмаслиқ;

3.7.13. Кўйидагилар фаолиятини ташкил этиш учун тегишли миқдорда маблағ ўтказиш:

– “Офтобжон” БСОни таъминлаш ва ёз мавсумида болаларнинг дам олишини ташкил этишга;

– тиббий санитария қисми ва санаторий-профилакторийни таъминлаш ва ушбу муассасаларда тўлиқ даволаниш, соғломлаштиришни ташкил этишга;

– ходимларга ушбу Жамоа шартномасининг X бўлимида кўзда тутилмаган ҳолларда моддий ёрдам кўрсатишга;

– ДПО талони олмайдиган ходимларга овқатланиш харажатлари учун компенсация тўлаш учун;

– ходимлар учун санаторийларга, дам олиш уйларига, пансионатларга йўлланма харид қилишга.

3.7.14. Иш берувчи ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 1 фоизи миқдоридаги маблағни кўйидаги мақсадларни амалга ошириш учун Касаба уюшмаси қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конунининг 18-моддаси*).

- тасдиқланган режага асосан маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини амалга ошириш ва ривожлантириш, Умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан маданий-маърифий ва байрам тадбирлари уюштириш, ўкув-семинарлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш ва рағбатлантириш;

- ишчи-ходимлар ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш ногиронлари қўп болали, кам таъминланган оиласалар ва даволанишга муҳтоҷ бўлган ходимларни зарур ҳолларда операция ва даволанишлари учун қисман моддий ёрдам ажратишга;

- республика худудидаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилишга;

- ишчи-ходимлар фарзандлари учун янги йил совғалари харид қилишга;

- газета ва журналларга обунани ташкил этишга;

- тиббий санитария қисми ва санаторий-профилакторий учун тиббий ускуналар харид қилишга;

- ижтимоий йўналишдаги дастурлар ижроси бўйича ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш учун;

- газета ва журналларга табриқ, реклама ва эълонлар, маълумотлар ва мақолалар чоп эттириш учун;

- “Наврўз” байрами, “Кимёгарлар куни” касб байрами, “Мустақиллик куни” байрамлари муносабати билан ишчи-ходимларга корхона ошхоналарида бепул

“Байрам оши” ташкил этиш;

- “Navoiyazot” АЖнинг “Хурмат тахтаси” фотосуратларини чоп эттириш харажатларни қоплаш учун.

Мазкур маблағларини сарфланиши бошқарув ва касаба уюшма қўмитаси келишувига асосан қўшма буйруқ-қарорга асосан амалга оширилади. Ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда, бошқарув кенгаши муҳокамасига киритилади, бошқарув кенгаши қарори ва қўшма қарорга асосан расмийлаштирилади.

3.7.15. Касаба уюшма қўмитаси аппарати ходимларига корхона саноат ишлаб чиқариш персонали учун ўрнатилган тартиб ва миқдорларда корхонада назарда тутилган устамалар, қўшимчалар, мукофотлар ва бошқа тўловларни тўлаш ва ҳисобкитоб асосида тегишли маблағни касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.

### **3.8. Касаба уюшма қўмитаси:**

3.8.1. корхона ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига қўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш;

3.8.2. қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

3.8.3. меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар хуқукий саводхонлигини юксалтиришга қўмаклашиш;

3.8.4. касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш хуқуқини ҳимоя қилиш;

3.8.5. иш жойларидағи мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ҳамда иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш борасида Иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

3.8.6. ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатлар талаблари асосида ходимларни аризаларига кўра тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

3.8.7. корхонадаги меҳнат ва майший шароитлар аҳволи бўйича жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

3.8.8. касаба уюшмаси аъзолари ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат жамоасида можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олиш ҳамда барқарор маънавий муҳитни таъминлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш;

3.8.9. турли танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

3.8.10. кутубхона, профилакторий ва “Офтобжон” оромгохи учун газета журнallарга ҳамда касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятини олади;

3.8.11. Касаба уюшма қўмитаси қўйидаги майший объектларни фаолият юритишини назорат қиласи:

- корхона ошхоналарида белгиланган меъёрлар ва талаблар асосида ходимларни овқатлантирилишини, санитария талабларига риоя этилишини;

- даволанишга муҳтож бўлган ходимлар ва нафақахўрларни тиббий санитария қисмида даволанишлари ва соғликларини тиклашларини ва режа асосида ходимларни профилактик қўриқдан ўтказилишини;

- санаторий-профилакторийда ходимлар ва нафақахўрларни дам олишларини, овқатланишларини ва бўш вақтларида маданий ҳордик чиқаришларини;

- ишчи-ходимларнинг фарзандларини ёз мавсумида “Офтобжон” болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олишини, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этилишини.

3.8.12. Касаба уюшмаси фаолиятига ёшларни жалб этиш бўйича ишларни амалга ошириш, жамоат ишларидаги фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириб бориш.

3.8.13. Касаначилар, вақтинчалик мавсумий ишга жалб этилган ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтимоий ночор тоифалари манфаатларини ҳимоя қилиш;

3.8.14. Иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда қўйидагилар бўйича қўшма-қарорлар қабул қиласи:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ўзгартириш;

- иш тартиби;

- меҳнат хавфсизлигини тъминлаш;

- ногиронлар, нафақахўрлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-куватлаш;

- маданий ва маърифий ва спорт-соғломлаштиришни ташкил этиш;

- ходимларнинг ишдан бўшатишга олиб келадиган қисқартиришлар бўйича;

- ходимларни рағбатлантириш бўйича;

- жамоа шартномасининг 3.7.14. бандида назарда тутилган маблағларни сарфланиши бўйича.

3.8.15. Корхонада Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенцияси талабларига оғишмай риоя этилади.

## **VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТИ**

**4.1. Ходим ва Иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатлар қоидаларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул қилинган шахслар Касаба уюшмаси қўмитасида таништирув сұхбатидан ўтказилади.**

4.2. Ишга қабул қилиш, шунингдек:

а) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларга биноан лавозимларни эгаллаш танлов асосида амалга ошириладиган ишларга танлов асосида

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Намунавий меҳнат шартномаси»га мувофиқ касаначи томонидан Иш берувчининг буюртмасига биноан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун тузилган меҳнат шартномаси асосида

амалга оширилиши мумкин.

4.3. Иш берувчи меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор килиш, унга ўзгартеришлар киритишда қонунчиликда белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси”да рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди.

4.4. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар иш билан таъминланадилар.

4.5. Меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш фақатгина, Касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розлигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш хукуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдимомаси Касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 марта 2-37-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимомасини кўриб чикиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

4.6. Коронавирус инфекцияси билан заарланиб, карантинга жойлаштирилган, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш тақикланади.

4.7. Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳди迪 мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлигининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмагандан) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

4.8. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиккан ва бундай иш Корхонада мавжуд бўлса, Иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак. Ходимнинг ташабbusи билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилаётган ишга мувофиқ амалга оширилади.

Куйидагилар ходимнинг ташабbusи билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб ҳисобланади:

- тиббий хулосага асосан соғлигини ҳолатига асосан;
- бетоб оила аъзосини парваришилаш зарурияти сабабли; (ТМК маълумотномасига кўра)
- ишни таълим билан қўшиб олиб борилиши;
- ҳомиладор аёлни илтимосига биноан;
- икки ёшгача фарзандлари бўлган аёлларнинг илтимосига биноан;
- оиласидаги ногиронлиги бор шахсларни парваришилаш зарурияти туғилганда;

- аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши муносабати билан ( ТМК хулосасига асосан).

4.9. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш ҳолати юзага келиши муносабати билан Иш берувчининг ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий-техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ходимнинг айбисиз ишнинг вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қўйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

4.9.1. бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик бўлмаган даврида (ўкув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

4.9.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий оғат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

4.9.3. таъмиrlаш ишлари амалга оширилганда;

4.9.4. зарур қурилиш, юклаш, тушириш ишларини бажариш;

4.9.5. корхона ҳудудини ва маданий-маиший муассасаларини ободонлаштириш;

4.9.6. вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларни жамлаб ҳисоблаганде Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим. (Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

4.9.7. Ходим Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда, унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган микдорда иш ҳақи тўланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

4.10. Иш берувчи камида икки ой олдин Касаба уюшмаси қўмитасига ходимлар оммавий равища ишдан бўшатилиши мумкинлиги ҳақида ахборот тақдим этади ва ишдан бўшатиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказади.

Касаба уюшмаси қўмитаси иш берувчининг ходимларни оммавий равища ишдан бўшатилиши ҳақидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш ҳукуқига эга.

Корхонада рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равища ишдан бўшатиш деб ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Конунининг 18-моддаси.)

4.11. Қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқ ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимни бошқа ишга ўтказиш чораларини қўллаш:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятларининг ўзгариши;
- малакаси етишмаслиги ёки соғлиги туфайли ходимнинг бажараётган ишига нолойиқлиги;
- ходимнинг аввалги ишига тикланиши муносабати билан.

4.12. Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган қуйидаги чоралар назарда тутилади:

- ўриндошликтини, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

- қисқартириш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин бўлган ходимлар огоҳлантириш муддати амал қилаётган даврда ходимнинг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишини, шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш муддатига муттаносиб равишда пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш.

4.13. Иш берувчи ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида ходимни ёзма равиша камида 2 ой олдин огоҳлантиради.

4.13.1. ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида ўзига қулай вақтда бошқа иш қидириши учун ҳафтада бир кун, шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда, ишга чиқмаслик хуқуки берилади.

4.13.2. ходим огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ўз ташаббуси билан (МКнинг 99-моддаси) меҳнат шартномасини бекор қилиш истагини билдириши мумкин, иш берувчи уни ушлаб туришга ҳақи йўқ.

4.14. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли хукуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи қисмiga асосан, малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган тоифадаги ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда МКнинг 103-моддаси иккинчи қисмida белгиланган тоифадаги ходимларга имтиёз берилади.

4.15. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик хукуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

- меҳнат интизомини бузмаганлиги;
- хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар ва йўриқномаларига риоя этганлиги;
- корхона манфаати йўлида берилган топширикларни ўз вақтида бажарганлиги;
- корхона ҳаёти ва жамоат ишларида фаоллиги;
- ишлаётган ёлғиз онанинг қарамоғида 3 ва ундан ортиқ 14 ёшга тўлмаган болалари мавжудлиги;

4.16. Қисқартириш вақтида ишда қолдириш тўғрисидаги масала Ўзбекистон қонунчилигига асосан иш берувчи вакиллари ва таркибий қисмлар касаба уюшма қўмиталари томонидан ишдан бўшатиладиган ҳар бир ходимга нисбатан якка тартибда кўриб чиқилади.

4.17. Корхонада мулкчилик шаклининг ўзгариши (уни ўзгартириш, ажратиш, бириктириш ва тақсимлаш) ёки унинг ёпилиши ҳолларида, агар у рози бўлса, ходим билан меҳнат муносабатлари давом эттирилади.

Бу ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат қонунчилигига назарда тутилган имтиёз ва кафолатлар тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

4.18. Зарурият юзасидан ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш, алоҳида цех ва ишлаб чиқаришларни тўхтатиши ёки ёпиш ҳолларида билимли, тажрибали ва юқори малакали ходимларни қисқартиришнинг олдини олиш мақсадида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси:

4.18.1. ходимларнинг ўрнатилган ҳолда огоҳлантириш орқали уларнинг розилигига асосан иш вақтини қисқартириш кўзда тутилган тартибни жорий этиш;

4.18.2. ишчиларни розилигига асосан, иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериш;

4.18.3. қисман иш ҳақи тўланадиган таътил бериш;

4.18.4. ишлаб чиқариш зарурияти туфайли бошқа цехларга ишлаш учун жўнатиш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

4.19. Касаба уюшмаси қўмитаси Корхонада бандликни таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек ходимларнинг ижтимоий-иктисодий хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш хукуқига эга. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси*).

4.20. Касаба уюшмаси қўмитаси Корхона ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, корхона ҳудудидан ташқари ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга жалб қилинишининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

4.21. Касаначиларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва меҳнат кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.01.2006 йилги 4-сонли қарорига 1-иловада назарда тутилган барча талаб ва шартларга риоя қилинган ҳолда, хамда корхонада амалда бўлган Низомга мувофиқ таъминланади.

Бунда мазкур шартноманинг иш ҳафтасини муддати, тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақи, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

## **V. БЎЛИМ ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

5.1. Корхонада иш ҳафтасининг қўйидаги муддатлари қабул қилинади:

- нормал меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун – 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;
- 16 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ходимлар учун - 36 соат;
- I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

- нокулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўз. Рес. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубиёти асосида - 36 соатдан ортиқ бўлмаган муддат.

5.2. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ҳамда меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти муддатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли Қарори билан белгиланади.

5.3. Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан келишиб тасдиқланган "Navoiyazot" АЖ "Ички меҳнат тартиби қоидалари" билан белгиланади. (2-илова).

5.4. Иш ҳафтасининг тури, иш вақти режими, муддати, ишнинг бошланиши ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, тушлик вақти, сутка давомидаги сменалар сони ва кетми кетлиги "Ички меҳнат тартиби қоидалари"га асосан белгиланади.

5.5. Ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб смена жадвалларига ўзгартириш киритиш мумкин. Смена жадвалига ўзгартириш киритиш иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг буйруқ-карорига асосан расмийлаштирилади.

5.6. Узлуксиз ишлаб чиқаришда сменада ишлайдиган ходимлар учун иш вақтининг жамлаб ҳисобга олиш жорий этилади. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг(сменанинг) муддати 12 соатдан ошмайди.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш бўйича белгиланган чеклашларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. (МКнинг 220,228,245-моддалари).

5.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли қўлланилганда иш вақти жамлаб ҳисобга олиниши режимида банд бўлган ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштирилиши кафолатланади (ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича тўғрилаб қўйиш шарти билан). Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг нормал миқдоридан кўп ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари ишлар учун ўрнатилган баҳоларга биноан ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни берилади.

5.8. Доимий ишлайдиган ишлаб чиқаришларда фаолият олиб бораётган ходимлар учун иш вақти иш жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда овқатланиш маҳсус жиҳозланган овқатланиш хоналарида (ёки яқинда жойлашган ошхоналарда) ўрнига бошқа ишчи билан алмаштирилган ҳолда амалга оширилади.

5.9. Смена асосида ишлайдиган ходимларга алоҳида ҳолларда сменадаги бошқа ишчилар билан кейинчалик ишлаб бериш шарти билан ўрин алмашишга рухсат берилади, ўрин алмашиш ишчи-ходимларни ўзаро келишуви ва цех бошлигининг ёзма рухсати (фармойиши) билан амалга оширилади. Ўрин алмаштириш тўғрисида ариза смена бошлиқлари билан келишган ҳолда куйидаги асослардан бирига кўра ўрин алмашишдан 1 иш кун олдин топширилади, бунда ўрин алмашиши сабабли ишга жалб қилинадиган ходимни бир иш куни (иш сменаси) 12 соатдан ошиб кетмаслиги ва сменалар орасидаги дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Үрин алмашиш учун қўйидаги сабаблар асос бўлиши мумкин:

- оиласидаги ва якин кишиларни касалланиши;
- табиий офатни бартараф этиш;
- якин қариндошини (амма, хола, амаки буви бува ва бошқа якин қариндошлар) вафоти;
- олий ва ўрта таълим муассасаларига имтихон ёки хужжат топшириш.

5.10. Ишга кечикиб келиш, ишдан барвақт кетиб қолиш ёки иш жойида узрли сабабсиз бўлмаслик меҳнат интизомини бузган ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ҳамда "Navoiyazot" АЖ "Ички меҳнат тартиби қоидалари"га асосан интизомий жазо чоралари қўлланишига асос бўлади.

5.11. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

5.11.1. иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта заарли ишларда ишлайдиган ходимлар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар иш вақтидан ташқари бажариладиган ишларга жалб этилмайди.(МКнинг 220,228,245 моддалари).

5.11.2. иш вақтидан ташқари бажариладиган ишнинг давомийлиги ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан ошмаслиги керак;

5.11.3. заарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларни иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш иш кунида 2 соатдан ошмаслиги керак;

5.12. Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонунчиликда белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Иш берувчининг Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилган буйруқ- қарорга асосан амалга оширилиши мумкин.

5.12.1. ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ва ишдан ташқари ишга жалб этишга қўйидаги асослар бўйича йўл қўйилади:

5.12.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, баҳтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

5.12.3. кечиктириб бўлмайдиган курилиш, таъмирлаш, юклаш, тушириш, ободонлаштириш зарурияти туғилганда;

5.12.4. ишлаб чиқариш объектларини нормал ишлаши технологиядаги аварияларни олдини олиш учун кутилмаган ишларни вазифаларни бажариш учун, шунингдек бўш туриб қолиш муносабати билан;

5.12.5. биржа савдолари орқали сотилган тайёр маҳсулотларни етказиб бериш учун;

5.12.6. харид қилинган юкларни қабул қилиш, божхона хужжатларини расмийлаштириш учун;

5.12.7. шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларида иштирок этиш учун;

5.12.8. ходим умумхалқ ҳайрия ҳашарларида ихтиёрий равишда иштирок этиш хоҳишини билдирганда.

5.13. Иш кеч (соат 22.00 дан кейин) тамом бўлган ҳолларда Иш берувчи

ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш мажбуриятини олади ва навбатчи транспорт воситаси билан таъминлайди.

5.14. Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлиқ асосида ишлаётган ходимларга дам олиши ва иш қобилиятини тиклаш учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилади.

5.15. Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартиби календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143 ва 144 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда берилади.

5.16. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун 15 иш кунидан иборат этиб белгиланади.

5.17. Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

5.17.1. Меҳнат шароити нокулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбобускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ иш жойларини аттестация қилиш натижаларига кўра:

- 3-клас (3.1.- I-даражали) заарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун – 3 иш куни;
- 3-клас (3.2.- II-даражали) заарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун – 6 иш кунгача;
- 3-клас (3.2.- III-даражали) заарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун – 12 иш кунгача;
- 3-клас (3.4 – IV-даражали) заарли меҳнат шароитларида ишловчилар учун 18 иш кунгача;

5.17.2. қолган таркибий бўлинмаларда, тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда қабул қилинган меъёрий хужжатлар бўйича, бунда қўшимча таътилнинг давомийлиги 9 иш кунигача берилади.

Бунда қўшимча таътилларни аниқ микдори иш ўринларини аттестация хulosасига асосан тасдиқланган ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган қўшимча таътил олиш ҳукуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхатида белгиланади.

5.17.3. ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун: фаррош, қоровул, кўкаламзорлаштирувчи ишчи, меҳмонхона ходимаси, қават навбатчиси, боғбон, санитар аёл, ҳаммом ходимлари учун асосий меҳнат таътили 15 кундан иборат, ушбу касб эгалари учун қўшимча таътил фақат иш жойларини аттестациядан ўтказиш хulosалари бўйича белгиланади.

5.17.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли Қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта заарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан 24 кунгача;

5.17.5. оғир ва нокулай табиий-иқлим шароитлардаги иш учун Меҳнат Кодексининг 138-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини

тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 743-сонли Қарорига асосан қўйидаги қўшимча таътиллар берилади:

- оғир ва нокулай табиий-икклим шароитларидағи иш учун 2-кун, Конимех участкасида ишловчи ходимларга - 3 кун ва Томди участкасида ишловчи ходимларга - 5 кун.

5.18. Ходимнинг ёзма илтимосига кўра тўлиқсиз иш кунлари қўйидаги сабабларга асосан берилади:(Ўзб.Рес.МКнинг 119-моддаси)

5.18.1. ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёш тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларга.

5.18.2. оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра,ТМЭК тавсияси (хulosаси) бўйича;

5.18.3. Ишлаётган ногиронларга;

5.18.4. ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга;

5.18.5. профилактик даволаниш талаб этилганда; (ТСҚтавсиясига асосан)

5.18.6. мазкур шартноманинг 5.12.1, 5.12.2, 5.12.3 бандларида қайд этилган ходимларга тўлиқсиз иш вақтнинг аниқ давомийлиги ходимнинг шахсий аризасига асосан томонларнинг келишуви билан белгиланади.

5.19. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гурӯҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари яна қўйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга 14 кун;

- никоҳдан ўтиш муносабати билан мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши учун - 7 кун;

5.20. Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш хуқуқини берувчи иш стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

5.21. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қўйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вактда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 20 мартағи 153-сонли Қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) турмуш ўртоғи иш жойидан меҳнат таътилга чиққан вактда (биргаликда даволаниш талаб этилганда);

5.22. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан (90 кундан) ортиқ бўлмаслиги керак.

5.23. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча

таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиниши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

5.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги «Расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонларига биноан қўшимча дам олиш кун(лар)и деб белгиланади.

Юқорида кўрсатилган қўшимча дам олиш кун(лар)ининг берилиши муносабати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлиги ўзгармайди.

## **VI. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

6.1. Меҳнатга ҳақ тўлашни (мукофот, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар) шакллари ва тизимлари иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинган локал хужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳаки қонун хужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирор тарзда чекланмайди.

6.2. Меҳнат ҳаки корхонада амалда бўлган Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тўланади.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида Қарор қабул қилинса, Корхонанинг тариф сеткаси ҳам қайта кўриб чиқилади.

6.4. Корхонада энг паст лавозимдаги ходимларнинг Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти - камидা 1,000) бўйича тарификация қилиниши таъминланади.

6.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрь ПҚ-4939-сонли Қарорига биноан Касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг меҳнат хукуқларини ҳимоя қилишни таъминлаб, уларнинг малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳаки тўланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади.

6.6. Корхона бўйича ўртача иш ҳаки Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 4 бараваридан кам бўлмаган миқдорга етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди.

6.7. Иш ҳакини тўлаш муддатлари:

- ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг 18 санасигача;
- ойнинг иккинчи ярми учун - кейинги ойнинг 5 санасигача.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳаки шу кун арафасида тўланади.

•Ҳар бир ходим тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳакининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида хабардор қилинади.

6.8. Мехнатга ҳақ тўлашнинг якка шартларини ҳодим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида бундай ўзгартиришга:

- технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, башарти меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса;

- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ҳодим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

6.9. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарishнинг техник жиҳатдан асосланган нормаларни ўз вақтида ишлаб чиқиши, ишлаб чиқишининг эскирган нормаларини қайта кўриб чиқиши ва уларни касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш, ҳамда бу ўзгартиришлар тўғрисида ҳодим камида икки ой аввал огоҳлантирилади.

6.10. Иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёrlаштиришга оид локал хужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини Касаба уюшмаси кўмитаси билан келишиб олади.

6.11. Ходимларнинг айрим тоифаларига уларнинг ёши, соғлиги, меҳнат шароити, меҳнат вазифалари ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтиrmagan ҳолда иш ҳафтаси 36 соатдан ошмайдиган қуидагича имтиёзли муддатни белгилайди:

– 18 ёшга тўлмаган (16 ёшдан 18 ёшгача) ҳодимларга – меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтиrmagan ҳолда 36 соатли иш ҳафтаси;

– I ва II гурух ногиронларига – меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтиrmagan ҳолда 36 соатли иш ҳафтаси;

– ўта заҳарли, ўта оғир меҳнат шароитларида иш билан банд бўлган ҳодимларга

- меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтиrmagan ҳолда - 36 соатли иш ҳафтаси;

– ҳомиладор аёлларга тиббий хulosага мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтиrmagan ҳолда енгил ишга ўтказиши.

6.12. Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқарishлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда) белгиланади;

6.13. Ходимларнинг иш стажига устама ҳақ тўлаш “Иш стажига устама ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади. (З-илова).

6.14. Тунги вақтдаги иш учун бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. (МКнинг 158 моддаси).

6.15. Сменада меҳнат қилаётган раҳбар, мутахассис, ишчи-хизматчи ҳодимларга ҳақ тўлаш иш жадвали бўйича ҳақиқий ишлаган вақтидан келиб чиқиб амалга оширилади, бунда сменали ҳодимларга иш жадвал бўйича меъёридан ортиқча ишлаган вақт учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Иш жадвал бўйича ортиқча ишлаш икки ҳисса ҳақ тўланадиган байрам кунларидаги иш соатлари миқдорига камайтирилади.

6.16. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун камида икки баравар миқдорда ҳақ тўланади (МКнинг 157 моддаси).

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хохишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) билан қопланиши мумкин. Ходимнинг хохишига кўра белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда дам олиш (отгул) берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир хисса миқдорда иш ҳаки тўланади.

6.17. Йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади. (169-модда). Меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасидан олдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

6.18. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларидан қатъий назар, меҳнатни ташкил этишининг прогрессив шаклларини қўллаш, иш сифатини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш ишларидан жамоанинг ва алоҳида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида қуидаги тўловларни амалга оширади: (5-илова)

- туман коэффициенти учун ҳақ тўлаш;
- иш вақтидан ташқари, дам олиш куни ва байрам кунларидаги иш учун қўшимча ҳақ тўлаш, Ўз.Рес. МК асосан;
- бригада раҳбарлиги учун ҳақ тўлаш;
- малака учун ҳақ тўлаш;
- “Navoiyazot” АЖ ходимларига шахсий кўпайтириш коэффициент белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланган шахсий кўпайтириш коэффициенти учун қўшимча тўлов;
- Юқори малакали ишчиларга касб маҳорати учун қўшимча тўлов;
- бажараётган ишининг мураккаблиги учун ёки алоҳида муҳим ишлар учун қўшимча тўлов;
- иш графигидан ташқари навбатчилик қилган навбатчи шифокорга ҳақ тўлаш;
- тунги вақтадаги иш учун қўшимча тўлов;
- иш графиги бўйича ортиқча иш учун тўлов;
- муҳандис-техник ходимлар ва ишчи ходимларни вақтинча ишларини бажарганлиги учун қўшимча тўлов;
- ишчилар учун тоифа устамаси учун тўлов;
- касбларни бирлаштириш ва иш ҳажмини ошириш учун узок йўналишда ҳаракатланаётган ҳайдовчиларга қўшимча тўлов;
- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўлов (иш жойларини шаҳодатлаш натижаларига кўра) (4-илова)
- ходимларга бир неча касб ва лавозим асосида ишлаганлик, хизмат қўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш; Ушбу тўлов миқдори меҳнат шартномаси томонларининг келишуви бўйича белгиланади, лекин лавозим маоши (тариф ставкаси)нинг 30% дан кам бўлмаслиги керак. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низом” қоидалари бажарилади).

– Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаси ва бошқа меъёрий хужжатлари талабларини бузганлиги учун узлуксиз иш стажига тўланадиган устама тўлов ҳисобидан жарима қўлланилишидан тўпланган жами маблағлар ҳисобидан ходимларни рағбатлантириш; йиғилган ушбу маблағларнинг 80 фоизи ишлаб чиқариши ва цехлар ихтиёрида қолдирилади, ҳамда ишлаб чиқариш ва цех бошликлари томонидан ишлаб чиқаришда юқори натижа эришган ходимларни рағбатлантириш учун ишлатилади. (Рағбатлантириш масласи ишлаб чиқариш ва цех касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда цех фармойиши асосида расмийлаштирилади.)

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаси ва бошқа меъёрий хужжатлари талабларини бузганлиги учун узлуксиз иш стажига тўланадиган устама тўлов ҳисобидан жарима қўлланилишидан тўпланган жами маблағларнинг 20 фоизи бошқарув раисининг тавсияси ва кўрсатмасига асосан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда корхонада ишлаб чиқариш жараёнида юқори натижа эришган ходимларни рағбатлантирилишга йўналтирилади.

Ишлаб чиқаришда муҳим топшириқ ва вазифаларни бажарганлик учун рағбатлантириш тўловлари корхонанинг буйруқ-қарорига (бажарган ишлари тўғрисидаги далолатнома ва хизмат хатига) асосан амалга оширилади.

- ишлаб чиқаришда маҳсус топширикларни тезкорлик билан сифатли бажарганлиги учун рағбатлантириш;
- режада кўзда тутилмаган, қўшимча маҳсус ишлаб чиқариш топширикларини бажарганлиги учун рағбатлантириш.

Ушбу бандда назарда тутилган устамалар ва рағбатлантиришлар ҳажми ҳар бир ходимнинг бажараётган иш сифатини ошириш учун қўшаётган ҳиссасига қараб белгиланади. Иш сифати сусайган ҳолда барча устамалар ва рағбатлантиришлар бекор қилиниши ёки камайтирилиши кўриб чиқилади.

6.19. Барча ходимларга мустақил ишлаши учун имтиҳон топширгунга қадар лавозим окладидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи белгиланади.

6.20. Иш жойида ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар учун амалиётнинг энг кўп муддати:

- a) ёш мутахассисларга;
  - Технологик цехларда – 6 ойгача;
  - Бошқа цехларда - 4 ойгача;
- б) мутахассисларга;
  - корхонанинг катта диспетчерлари учун – 7 ойгача;
  - сув ва электртаяминоти диспетчерлари (смена усталари) учун 6 ойгача этиб белгиланади.

Амалиёт муддати тугагандан сўнг ходим мустақил ишлашга руҳсат олиш учун имтиҳон топширади, имтиҳон топшира олмаса, имтиҳон топширишнинг тақорорий муддати белгиланади. Тақорорий имтиҳондан ўта олмаган амалиётчилар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида хужжатлар кадрлар бошқармасига тақдим этилади.

6.21. Ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси узрли сабабларга кўра бўлса қаноатлантирилади, вақтинча бошқа ишга ўтказиш даврида ходимга амалда бажарадиган иши учун иш ҳақи тўлаш амалга оширилади.(МКнинг 94-моддаси).

6.22. Ходимни ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Ходим бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади. (МКнинг 95-моддаси).

6.23. Иш берувчининг қўрсатмасига биноан Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш чоғида (малака ошириш, шу жумладан ихтисослаштиришга ўкиш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, бошқарув ва касаба уюшма ташкилоти томонидан ташкил этилган бошқа тадбирларда иштирок этиш ва бошқа холларда) ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида қўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб икки ҳисса ҳақ ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда Корхона бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлари учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

6.24. Корхонада ташкил этиладиган танловлар ғолиблари танлов Низомга мувофиқ пул мукофотлари ва эсадалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланадилар:

6.25.1. ходимлар “Темир парчалари ва рангли, қимматбаҳо ва қора метал парчаларини йигишиш, сақлаш ва топшириш тўғрисидаги Низом” га асосан (6-илова)

6.25.2. Ходимлар рационализаторлик таклифлари учун “Рационализаторлик таклифлари учун мукофотлаш тўғрисидаги Низом”га асосан; (7-илова)

6.26. «Халқ», «Хизмат қўрсатган арбоб» ва «Хизмат қўрсатган» фахрий унвонлари соҳиблари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сонли Фармонига мувофиқ ўрнатилган миқдорларда қўшимча тўловлар тўлаш;

6.27. Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулк (асбоб-ускуналар, ашёлар ва ҳоказолар)дан (автотранспорт воситасидан ташқари) фойдаланганда, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 306-моддасида келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилган уларнинг амортизацияси доирасида харажатлар қопланади.

6.28. Иш берувчининг таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қўйидаги қўшимча харажатлари тўланади:

- а) кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- б) янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- в) ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

6.29. Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июля 83 ва №7/12-сон қарор билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) асосан корхонада тасдиқланган Низом бўйича йўл кира, яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси, суткалик харажатларни ўз ичига олади ва амалга оширилади.

- йўл хужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда хизмат сафарига юборилган ходимга йўл ҳаки ҳар бир километр учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорида;

- километрлар миқдори 500 метр ва ундан ортиқ бўлса, у катта қиймат томонга қараб яхлитланади.

- яшаш жойидан ташқарида яшashi билан боғлиқ харажатлар:
- суткалик харажатлар миқдори Ўз.Рес. белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида қопланади, шунингдек корхонада қабул қилинган буйруқ-қарорида назарда тутилган харажатларга асосан;

- хизмат сафарига жўнатилган ходимнинг турар-жойи билан боғлиқ хақиқий харажатлари келиш кунидан ва кетиш кунига қадар (люкс номеридан ташқари) тақдим этган хужжатлари асосида ва меҳмонхонада кўрсатилган қўшимча хизматлар бўйича тўланади. (бронланган жой, дазмоллаш билан боғлиқ харажатлар, телевизор, музлатгич, алоқа хизмати билан боғлиқ харажатлар).

- агар, меҳмонхоналарни люкс-номерларида (хоналарида) яшаганлигини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилганда, турар жой хонасини ижарага олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номер (хона) қийматининг 70% миқдоригача амалга оширилади;

- хизмат сафарига юборилган ходим турар-жой билан боғлиқ тасдиқловчи хужжатлар тақдим этмаган ҳолда, харажатлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида қопланади.

- иш берувчининг рухсати билан қилган бошқа харажатлар, ходим томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида.

6.30. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган) “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга оширилади.

6.31. Корхонада кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида молиявий имкониятларидан келиб чиқиб йил якуни бўйича рағбатлантириш амалга оширилади.

6.32. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда Республикада кенг нишонланадиган байрамлар муносабати билан, ички меҳнат тартиб қоидаларини бузганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаган ҳақиқатда фаолият олиб бораётган, шунингдек ҳақиқатда ишламаётган бўлсада аммо иш жойи сақланадиган ходимларга, (туғруқ ва туғруқдан кейинги таътилда бўлган аёллар ва бола

парваришида муносабати билан таътилда бўлган ходимлардан ташқари, 8 Март байрами муносабати билан бериладиган рағбатлантириш бундан мустасно) қуидаги миқдорда рағбатлантириш берилади:

- “Наврўз”, “Кимёгарлар куни” касб байрами, “Мустакиллик куни”, Рўза ва Курбон Ҳайити, Янги йил байрамлари муносабати билан Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг бир бараваригача;

- 8 Март “Халқаро Хотин-қизлар куни” байрами муносабати билан ҳақиқатда ишлаётган хотин-қизларга Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг бир бараваригача;

- Байрамлар арафасида қўп йиллик самарали меҳнат қилган ва жамоат ишларида фаол иштирок этган ходимлар “Фахрий Ёрлик” ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

6.33. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар ой ДПО талони олмайдиган ходимларга овқатланиш харажатлари қисман қопланади. Овқатланиш харажатлари учун конвенциянинг миқдори Ўзб. Рес. белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқоридан келиб чиқиб, бошқарув ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорида белгиланади.

6.34. Ходимга ҳақ тўлаш мазкур жамоа шартномасининг 6.7.-бандида белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганда қуидаги чоралар кўрилади:

6.34.1. хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда – Иш берувчи банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтиришни ўз зиммасига олади;

6.34.2. муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли кечиктирилиш содир бўлганда - Иш берувчи дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундиришни ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтиришни ўз зиммасига олади.

6.34.3. кечиктирилиш ҳисоб рақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда - Иш берувчи тижорат банкидан кредит олиб меҳнат ҳакини тўлашни ўз зиммасига олади.

6.34.4. Иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришта оид локал ҳужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб олади.

6.35. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (ишидан озод этилиб ёки озод этилмасдан) жалб этилган юкори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш корхонада қабул қилинган Низомга биноан амалга оширилади. (8-илова)

6.36. Корхонада амалиёт ўтаётган олий ўқув юртлари талабаларининг ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли Қарори билан тасдиқланган “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан амалга оширилади, бунда иш ҳақи миқдори буйруқ-қарорда белгиланади.

6.37. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади. (9-илова)

6.38. Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рўйхатдан ўtkazilgan “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган корхонанинг локал ҳужжатига асосан амалга оширилади.

## VII. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

7.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, Низомлар, мансаб йўриқномалари, одоб-ахлоқ қоидалари, Ички меҳнат тартиби қоидаларига ҳамда бошқа локал ҳужжатларга биноан таъминланишини ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар. (Ўз.Р. МК174,175-моддалари)

7.2. Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний буйруқ ва фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асрashi, ҳамда жамият томонидан қабул қилинган “Ички меҳнат тартиби қоидалари”, “Коррупцияга қарши Сиёsat”, “Касбий одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёsat” талабларига тўлиқ риоя этиши шарт.

7.3. Ички интизомни белгиловчи ҳужжатлар билан ходимларни таништириш Иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади.

7.4. Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор қилиши, уларни меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаши шарт.

### 7.5. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси:

7.5.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни;

7.5.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей ва байрам саналарида:

- пул мукофотлари билан;
- ташаккур эълон қилиш билан;
- қимматбаҳо совғалар билан;

- туристик саёҳатларга юбориш билан;

- “Navoiyazot” АЖ “Меҳнат фахрийси” фахрий унвони бериш билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

7.6. Иш берувчи меҳнат интизомини бузганлиги учун ходимга нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралардан бирини қўллашга ҳақли:

- ҳайфсан;
- ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизигача бўлган миқдорда жарима;
- ички тартиб қоидаларида белгиланган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда жарима;
- меҳнат шартномасини бекор қилиш.

7.7. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати (интизомий жазо қўлланилаган кундан бошлаб бир йил) давомида ходимга жамоа шартномасининг 6.32. бандида назарда тутилган рағбатлантириш тўловлари берилмайди.

7.8. Иш берувчи ходимнинг илтимосига ва меҳнат жамоасининг ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига биноан интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаши мумкин.

7.9. Касаба уюшмаси қўмитаси ходимлар томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига қўмаклашиб боради.

7.10. Ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрнатилган меҳнат режимиға, меҳнат интизомига ва Одоб-ахлоқ қоидаларига ва иш жойида маҳсус кийимда бўлишига (дресс-кодга) риоя қилишлари шарт.

## **VIII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**8.1. Иш берувчи ходим томонидан унга етказилган заарни зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбордor ходимдан ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган заарар Корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.**

8.2. Иш берувчи, агар зарар унинг айбисиз етказилганлигини исботлай олса, ходим зарарни тўлашдан озод этилади.

8.3. Қисман ходимнинг айби билан яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ходимга, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси розилигида аниқланган заарар даражасига мувофиқ, камайтирилган қийматда маош тўланади.

8.4. Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда (иш бажарилганда) ва бекор туриб қолган давр учун ходимнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

### **8.5. Иш берувчи қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

8.5.1. Ходимга меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ қоплайди.

8.5.2. Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда заарларни қоплаш тўловларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сон “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли

етказилган заарни тўлаш Қоидалари”да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўлаш;

8.5.3. Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа заарар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўлаш, шунингдек дафн маросими харажатларини қоплаш.

8.5.4. Мазкур бандда кўрсатилган тўловлар «Иш берувчининг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги» Ўзб.Рес. Конуни ва 2009 йил 24 июндаги 177-сонли Ўзб.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳамда корхона билан тузилган шартномага мувофиқ суғурта компанияси томонидан амалга оширилади.

8.6. Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимлар маҳсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати 10-иловада келтирилган.

8.7. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмаларнинг рўйхати 11 иловада келтирилган.

## IX. МЕҲНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

### **9.1. Иш берувчининг мажбуриятлари:**

9.1.1. ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хавфсизлик ва гигена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиш, аварияларини олдини олиш, жароҳатланиш ва касб касаллигига чалиниш ҳолатларини олдини олиш мақсадида ҳар йили қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун маблағ ажратилишини таъминлайди:

- календар йил учун тузиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметасига мувофиқ; (12-илова).

- маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзal ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун;

- сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари) учун;
- даволаш-профилактика озиқ-овқати учун;
- гигиена воситалари (жамоа шартномасига мувофиқ) учун.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

Маблағларни ўз вактида сарфланишини назорат қилиш:

Иш берувчи томонидан – экология, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бошқармаси бошлиғига;

Касаба уюшмаси томонидан – касаба уюшма қўмитаси раисига юклатилади.

9.1.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузади (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари

режаси ва сарф-харажатлар сметасига киритади) ва касаба уюшмаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига илова қилинади (13-илова).

9.1.3. Мехнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонунчиликда, жамоа шартномасида, ёки бошқа ички норматив хужжатларда белгиланадиган миқдорда ходимларни чиқимдор қилмаган ҳолда ажратади.

9.1.4. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га биноан меҳнатни муҳофаза қилиш фондини ташкил қиласи ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди. (14-илова).

9.1.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғарма маблағлари «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ экология, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бошқармаси томонидан тақдим этилган хужжатга асосан Бош муҳандис томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига асосан сарфланади.

9.1.6. Ҳар бир иш жойига мослаб меҳнат шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-майший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олади.

9.1.7. Ходимларнинг меҳнат шароити шунингдек, меҳнат жараёни ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ортиши (ўзгариши) муносабати билан, ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнат қобилияtlарини саклаб қолиш мақсадида, белгиланган меҳнат шароитларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришлар киритиб боради.

9.1.8. Ҳар бир ходимни иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблар шунингдек, бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, хусусан, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида хабардор қилиб борилади.

9.1.9. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг экология, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бошқармаси зиммасига юклатилади.

9.1.10. Давлат ва тармоқ стандартларига эга бўлмаган обьектлар, ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқади.

9.1.11. Ҳар чоракда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалланиш таҳлилини ўтказади ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирлари ишлаб чиқади.

9.1.12. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалликларни қўйидаги муддатларда таҳлил қиласи:

- ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 5-санасигача;
- ҳар йилда кейинги йилнинг 1-февралигача.

9.1.13. Мунтазам равишида цехларнинг санитар-техник ҳолати паспортини тўлдириб боради.

9.1.14. Мехнат муҳофазаси хоналари учун жиҳозлар, ишларни автоматлаштирувчи техника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари, ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув-кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади ҳамда уларнинг доимий сақланишини таъминлайди.

9.1.15. Ташкилотни куз - қиши мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлик барча тадбирларни 1 октябргача бажарилишини, баҳорги-ёзги мавсумга тайёрлаш тадбирларини 1 апрелгача бажарилишини ҳамда тасдиқланган жадвал бўйича ишлаб чиқариш таркибий қисмларида капитал таъмирлов ўtkазиш орқали санитария-маиший биноларининг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди .

9.1.16. Санитар-маиший биноларнинг мунтазам ишлашини ва сақланишини, зарур ишлаб чиқариш, майший шароитни (овқатланиш ва бошқа хоналардаги усқуналарнинг санитар меъёрларга мувофиқлигини), ходимларнинг майший хоналарда шахсий мулкини сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

9.1.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қиласди.

9.1.18. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофaza қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган Мехнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўtkазиш услубиёти асосида ҳар беш йилда камида бир марта иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўtkазади.

9.1.19. Мехнат кодексининг 214-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўtkазилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил қиласди.

9.1.20. Ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимларга Мехнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилайди. (15-илова).

9.1.21. Мехнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги ишларда ишловчилар учун Мехнат кодексининг 137, 138-моддаларига мувофиқ йиллик кўшимча таътил беради. (16-илова)

9.1.22. Мехнат кодексининг 217-моддаси ҳамда Мехнатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 18 моддасига асосан ҳамда меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўtkазиш натижаларига асосан меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган нормалар бўйича:

9.1.22.1. сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари (17-илова);

9.1.22.2. даволаш-профилактика озиқ-овқати; (18-илова).

9.1.22.3. махсус кийим-бош, махсус пойабзal, бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлайди. (19-илова).

9.1.23. Корхона омборига келтирилган махсус кийим, махсус пойабзal ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг ҳар бир партияси иш берувчи ва Касаба уюшма қўмитаси вакилларидан иборат махсус комиссия иштирокида, иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина кабул килиб олинади ва талаб даражасида сақланишини таъминлайди.

9.1.24. Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим ва махсус пойабзalни янгисига алмаштириб беради.

9.1.25. Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмайди ҳамда ҳимоя воситаларининг сақланишини ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди.

9.1.26. Мехнат шароити ноқулай, заарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчи, гигиена воситалари билан бепул таъминлаш касб ва лавозимлар рўйхатига ҳар ойда 400 гр микдорида совун ёки гигиена воситалари билан таъминлайди. (20-илова).

9.1.27. Барча цехлардаги биринчи тиббий ёрдам тўплами (аптечка)ларни тасдиқланган рўйхат асосида дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлайди. (21-илова).

9.1.28. Корхона худудини ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақлаш, юриш, ўтиш йўлакларини ва жойларини талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ҳамда уларга қатъий амал қилиниши корхонанинг ички транспортидан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

9.1.29. Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалари талабига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жиҳозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилинишини таъминлайди. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймайди. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари, иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларининг ўз вақтида меъёрий ҳужжатлар талабларида белгиланган рангларга бўялишини таъминлайди.

9.1.30. Иш жойларида атроф-муҳитни ифлослантиришни бартараф этиш бўйича самарали тадбирларни амалга оширади ва меҳнат шароитларини санитар-маиший меъёр ва қоидалар талабларига мувофиқлигини таъминлайди.

9.1.31. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этади. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар бир касб ва иш тури бўйича ишлаб чиқилган йўриқномаларга асосан ўз вақтида ходимларни йўриқдан ўтказилишини таъминлайди ва доимий назорат қиласи.

9.1.32. Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичida касаба уюшма қўмитаси иштирокида ташкил қиласи.

9.1.33. Меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича вакил ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар хафтада камида 4 соат иш вақт ажратади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақини сақланишини таъминлайди. (22-илова).

9.1.34. Мехнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиради ҳамда ҳар чорак якунига кўра мукофотлайди. (23-илова).

9.1.35. «Navoiyazot» АЖда меҳнат хавфизлигини таъминлаш бўйича энг юқори кўрсатгичларга эришиш бўйича мусобақалар ўтказади.

9.1.36. Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфизлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.1.37. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар тўланиши кўзда тутилган миқдорда нафақа ва зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши лозим бўлган ойма-ой тўловларни тўланишини ўз вақтида таъминлайди.

9.1.38. Ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

## **9.2. Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари.**

9.2.1. Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

9.2.2. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси таркибини тасдиқлайди, фаоллар ўқувини ўтказади.

9.2.3. Мехнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиши юзасидан доимий назорат олиб боради.

9.2.4. Ходимларга бериладиган махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлилиги, улардан мажбурий фойдаланилишни назорат қилиб боради.

9.2.5. Корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси томонидан меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган вақтда цех (бўлим)даги меҳнат муҳофазасининг ҳолати ўрганилаётганда жамоа шартномаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими бажарилишини назорат қиласади.

9.2.6. Мехнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июнданги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилишини ҳамда ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини назорат қиласади.

9.2.7. Касаба уюшмаси, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат

шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча баҳтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

- ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофaza қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

- меҳнатни муҳофaza қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномасида назарда тутилган меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофaza қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофaza қилишга оид талабларни бузганликда, айбор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талабномалар билан мурожаат қилиш;

- меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнатни муҳофaza қилинишига бўлган хуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш;

- меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги қонунчилик, жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишида иштирок этиш.

### **9.3. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:**

9.3.1. меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини барча номинациялар бўйича биринчи босқичини ўтказилишини таъминлайди ва ғолибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этади;

9.3.2. ташкилот ва унинг таркибий тузилмасида уч босқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назорати олиб борилишини таъминлайди;

9.3.3. ҳар бир сменада, участка ва цехда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб бир нафар меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича вакил сайлаб қўйилишини таъминлайди;

9.3.4. ҳар йили “Кимёгарлар куни” арафасида касаба уюшма қўмитасининг тавсиясига асосан йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўймаган, жамоат ишида фаол иштирок этган 3 нафар меҳнат муҳофазаси вакилларини рағбатлантиради ва бир нафарини “Navoiyazot” АЖ “Хурмат тахтаси” га қўйиш учун тавсия этади; (24-илова).

9.3.5. Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясига оғишмай риоя этади.

### **9.4. Ходимларнинг мажбуриятлари:**

9.4.1. ходим Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий хужжатларида белгиланган қоидалар, ўйриқномалар ва мазкур Жамоа шартномаси ҳамда раҳбарнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича буйруқларига роия этиши, иш жойида маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларида бўлиши ва иш жараёнида улардан фойдаланиши шарт.

9.4.2. барча ҳимоя воситалари, маҳсус кийимлар корхонанинг шахсий мулки ҳисобланади ва факат иш вақтида фойдаланиш учун мўлжалланган, уларни қасдан йўқотиш, бузишига олиб келинган ҳолатлар бўйича интизомий жазо чоралари қўлланилади.

9.4.3. ишлаб чиқариш ва цехлардаги санитар-маиший, овқатланиш хоналарини тоза сақлашлари, фойдаланиш талабларига риоя этишлари шарт.

9.4.4. барча ходимлар иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан тасдиқланган цехлар ва касблар рўйхатига мувофиқ белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтишга мажбурдирлар.

9.4.5. кўриқ яқунлари (шунингдек, бошқа ҳолатлар) бўйича ходимларда касалликлар аникланса, тиббий санитария қисмида қўшимча зарурӣ тиббий текширув ўтказилади, соғлигини тиклаш бўйича берилган тавсиялар асосида даволанади, соғломлаштирилади, соғлигини ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқлиги аникланса, тиббий меҳнат эксперт комиссиясига юборилади.

## X. БЎЛИМ

### ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КаФОЛАТЛАР

10.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қуидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

б) атом обьектларидағи фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

в) I ва II гурух ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

#### 10.2. Иш берувчи қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

10.2.1. Корхонада ишлайдиган ходим вафот этганда, Республикада белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,50 баробари, корхонада ишлаб, шу ердан пенсияга чиқкан, пенсия бюросида ҳисобда турадиган пенсионер вафот этганда Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1,4 баробари миқдорида моддий ёрдам ажратилади.

Бунда транспорт хизмат бепул тақдим этилади.

10.2.2. Ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда Республика белгиланган Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 баробари миқдорида моддий ёрдам ажратилади.

Ушбу бандда назарда тутилган моддий ёрдам тўлови, корхонада меҳнат қилаётган қариндошлари сонидан қатъий назар, бир кишига тўланади. Бу моддий ёрдам агар жамоа шартномасининг 10.2.1. бандида назарда тутилган моддий ёрдам берилмаган бўлса берилади. Мазкур тўловлар тартиби ва назорати кадрлар бўлими ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан белгиланади ва моддий ёрдам кўрсатишни ҳисоблаш корхона бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

10.2.3. Ходимнинг яқин қариндошларидан бири вафот этганда ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади:

- турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари вафот этганда – 3 кун;
- қайнона, қайнота, ака-ука, опа-синглиси вафот этганда – 1 кун.

*(Изоҳ: бундай ҳолат юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тегишили органлардан ўз вақтида олиши имкони бўлмаганлиги сабабли, ходим ҳолат юз берган куни ишдан озод қилинади ва кейинчалик ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат ходим томонидан тақдим қилинади (ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат маҳалла ёки давлат хизматлари агентлиги томонидан берилган ҳужжатлардан бири ҳисобланади).*

Бундан ташқари ходимнинг аризасига асосан иш ҳақи сақланмаган ҳолда 2 кун таътил бериш тўғрисидаги илтимоси қаноатлантиради.

Иш берувчи куйидаги ҳолларда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинган ҳолда ишдан озод қилиш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

- а) ходим ёки фарзандларининг тўй маросимини ўтказишида – 3 кун (маҳалла томонидан ҳақиқатда бу маросим ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномага асосан берилади);
- б) ходимнинг туғилган қунида - 1 кун;
- в) табиий оғатлар юз берганда – 3 кун (сел келиши, ер кўчиши ва ҳоказо);
- г) фарзанди 1-синфга борганда - 1 кун;

Ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ва турмуш ўртоғи унинг яқин қариндошлари деб ҳисобланадилар.

Ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазо амалда бўлган даврда (яқин қариндош вафотидан ташқари) юқорида белгиланган ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилмайди.(Кадрлар бошқармаси томонидан назорат қилинади.)

Мазкур бандда белгиланган имтиёзлар (яқин қариндоши вафоти муносабати билан ва бола туғилганда (отасига) бериладиган таътилдан ташқари) корхонада камида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимларга берилади.

Аризалар кадрлар бошқармасига топширилади ва иш стажи тўғрисида белги киритилади, моддий ёрдам кўрсатишни назорат қилиш ва ҳисоблаш корхона бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

10.2.4. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб корхонада кўп йил меҳнат стажига эга корхона пенсия бюросида ҳисобда турган пенсионерларга касаллиги ва ижтимоий аҳволининг оғирлигидан келиб чиқиб моддий ёрдам ажратилади. Аризада кадрлар бошқармаси томонидан иш стажи тўғрисида белги

қўйилади ва ариза корхонанинг моддий ёрдам қўрсатиш комиссия томонидан кўриб чиқилади.

10.2.5. Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ходимга Иш берувчи томонидан соғлигини тиклаш учун қўшимча ҳақ тўланади. Меҳнат таътилига қўшимча ҳақ тўлаш 25-иловага асосан амалга оширилади.

10.2.6. Меҳнат шартномаси бекор қилиш асосларидан қатъий назар (бунда МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 3 ва 4 бандлари ҳамда 106-моддасини 3,4 ва 5 бандаларида кўзда тутилган асослар мустасно) ходим пенсияга чиқиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда, унга корхонадаги узлуксиз ишлаган даврига мос равишда бир марталик нафака(моддий ёрдам) ёрдам берилади.(26-илова).

10.2.7. Корхонадаги кўп йиллик иш стажи учун "Navoiyazot " АЖ "Меҳнат фахрийси" унвони берилганда бир марталик рағбатлантирувчи тўлов ажратилади, шунингдек, ёшга доир пенсияга чиқиши муносабати билан меҳнат муносабатларини тўхтагандаги бир марталик нафака Низомга мувофиқ амалга оширилади. (27-илова).

10.2.8. Ходимларни юбилей ўшлари муносабати билан (50, 60) Низомга асосан бир марталик рағбатлантириш тўловлари ажратилади. (28-илова).

10.2.9. Корхона ходимларига (шу жумладан касаба уюшма қўмитаси аппарати ва "Navoiy Invest Construction and Engineering" MChJ штатидаги ходимларга), шунингдек пенсия олиш хуқуқига эга бўлган ва ҳеч қаерда ишламайдиган пенсия бюросида ҳисобда турадиган пенсионерларга арzon материаллар (металл қопламалар, нетротитандан ясалган металл ясамалар, пластмассадан ясалган тўлиқ ёки қисман олинадиган ясама тишлар, сирти қопланган пластмасса) дан қўйилган тишлар учун тўловлар корхонадаги узлуксиз меҳнат стажини инобатга олган ҳолда ҳар бир қўйилган тиш учун Республика белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи компенсация қилинади ва тўлов қуидаги шкала асосида иш стажи ва тўлов амалга оширилган даврни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

«Navoiyazot» АЖда узлуксиз иш стажи	Қўрсатилган хизмат нархидан тўлов % ҳисобида	Тўловни амалга ошириш муддати
5 йилдан 10 йилгача	Қайта ҳисоб-китоб қилинган хизматлар қийматининг 50%	3 йилда бир маротаба
10 йилдан 15 йилгача	Қайта ҳисоб-китоб қилинган хизматлар қийматининг 75 %	2 йилда бир маротаба
15 йилдан ортиқ	Қайта ҳисоб-китоб қилинган хизматлар қийматининг 100%	Йилда бир маротаба

"Navoiy Invest Construction and Engineering" МЧЖ штатидаги ходимларга тўлов МЧЖ маблағлари ҳисобдан амалга оширилади.

10.2.10.Ҳар бир ходим учун қишки мавсумга харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар қийматини корхона молиявий имкониятидан келиб чиқкан ҳолда қисман қопланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар қийматини қоплаш учун ажратиладиган компенсация миқдори бошқарув ва касаба уюшма қўмитаси қўшма қарорга асосан белгиланади.

10.2.11. “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг “Хурмат тахтаси”га киритилган ходимларни ҳар ойда бир маротаба Низом асосида рағбатлантириш Низомга асосан амалга оширилади. (29-Илова).

10.3. Касаба уюшма қўмитаси қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- ходимларни дам олишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларига, дам олиш масканларига касаба уюшма бюджети ва ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан йўлланмалар харид қиласди:

- ходимларнинг аризаларига асосан дам олишларини ташкил этади;

- корхона томонидан ишлаб чиқариш ногиронлари ва касб касалликлари бўйича рўйхатда турадиган нафақаҳўрларнинг аризасига асосан корхона томонидан харид қилинган санаторий йўлланмаларини бепул ажратади.

- Корхонанинг санаторий-профилакторийсига ишчи-ходимлар ва пенсия бўлимида ҳисобда турган пенсионерларга йўлланма ажаратади, бунда йўлланманинг 10 фоизини пенсионерларга ажратилишини таъминлайди.

- Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларига, дам олиш масканларига касаба уюшма бюджети ва ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ажратадиган йўлланмаларини корхонадаги иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган ходимларга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тасдиқланган Йўриқнома талабларига риоя қилган ҳолда ажратади.

10.4. Иш берувчи ишлаб чиқариш ногиронлари ва касб касалликлари билан рўйхатда турувчиларга аризаларига асосан соғликларни тиклаш учун корхона ҳисобидан бепул йўлланма харид қиласди, даволаниши билан боғлиқ харажатларни ва йўл харажатлари тўлиқ қопланади. (ВМнинг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори 22-банди.)

10.5. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасида жойлашган санаторий-курорт муассасаларига даволанишга юборилган ишчи-ходимларнинг йўл харажатлари қийматининг 50 фоизини қоплашни ўз зиммасига олади (агар санаторийга етказиш корхона транспорти томонидан амалга оширилса йўл харажатлари қопланмайди).

10.6. Корхонада ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда шикастланиш ва касб касаллиги касалланиши оқибатида ногирон бўлган шахсларга, қачон бўлганлигидан қатъий назар, ҳар ойда қўйидаги тартибда қўшимча ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади:

10.6.1. иш жараёнида соғлигига шикаст етказилганлиги натижасида I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларга – Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида.

10.6.2. иш жараёнида соғлигига шикаст етказилганлиги натижасида III гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларга – Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50% миқдорида.

10.6.3. ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги билан касалланиш натижасида бокӯвчинини йўқотганлиги муносабати билан нафака белгиланган шахсларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50% миқдорида.

10.7. Иш берувчи ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланган, ногиронлик белгиланган шахслар ва иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахсларнинг аризасига асосан санаторийларга ва корхона профилакторийсига бепул йўлланма берилишини таъминлайди. Йўлланмаларни расмийлаштириш ва ажратиш касаба уюшма қўмитаси томонидан амалга оширилади.

10.8. Корхонада ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда шикастланиш ва касб касаллиги касалланиши оқибатида ногирон бўлган шахсларнинг фарзандларига ҳамда қўп болали оиланинг 1 нафар фарзандига (4 ва ундан ортиқ), ногирон фарзанди бор оилаларнинг 1 нафар фарзандига ва маҳаллада “Ёшлар”, “Аёллар” ва “Темир” дафтарларда рўйхатга олинган оилаларнинг 1 нафар фарзандларига «Офтобжон» болалар оромгоҳига бепул йўлланма ажратилади.

10.9. Иш берувчи ҳар йил ўқув йили бошланишидан аввал ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда вафот этган ва жароҳатланиши оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларнинг вояга етмаган фарзандларига кийим-кечак ва мактаб жиҳозлари билан таъминлайди.

10.10. Иш берувчи корхона ходимларига ва пенсионерларига аризасига асосан “Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Низом” га мувофиқ бир марталик моддий ёрдам кўрсатади.

10.11. Ҳар йил бир маротаба ходимнинг аризаси ва касаба уюшма қўмитасининг тавсиясига асосан 4 ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзанди бор ишчи-ходимларга Республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам ажратиш мажбуриятини олади.

10.12. Иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда ёрдамга ўта муҳтож ходимларга моддий ёрдам бериш бўйича қўшма қарор қабул қилиши мумкин.

10.13. Иш берувчи “Наврўз”, “Мустакиллик куни”, “Кимёгарлар куни” ва “Конституция куни” байрамлари ва “Ногиронлар куни” арафасида молиявий имкониятдан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги билан касалланиш натижасида боқувчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз кексаларга, ишлаб чиқариш ногиронларига иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга моддий ёрдам ёки озиқ-овқат тўпламлари ажратади.

10.14. Иш берувчи “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатади.

10.15. Иш берувчи тунги сменада ишлайдиган ходимларни иш жойига ва яшаш жойига корхона транспортда етказиш мажбуриятини олади. (тасдиқланган йўл харитаси бўйича)

10.16. Иш берувчи ишчи-ходимларни қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар раки) ва бошқа онкологик касалликлар ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар бўйича касалланганлиги сабабли даволаниши учун моддий ёрдам сўраб мурожаат этганда, даволаниш харажатлари ёки даволаниши учун тақдим этилган шартномалар нархидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баробаригача миқдорда моддий ёрдам ажратади.

10.17. Тармоқ ва вилоят миқёсида ўтказиладиган спорт ва маданий тадбирлари

ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб корхона мавқеини ҳимоя қилган ходимларни эсдалик совғалари билан тақдирлайди.

10.18. Ишчи-ходимларнинг ва фарзандларининг олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида ўқиши учун ўқув-контракт тўловларини қисман ёки тўлиқ иш ҳақи ҳисобидан қоплайди.

Ходимларнинг иш ҳакидан Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртларида таълим олиши учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммаларга солик солинмаслиги бўйича яратилган имтиёздан фойдаланилади.

10.19. **Иш берувчи** вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафакасини қўйидаги миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

10.20.1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядрорий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

10.20.2. ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

10.20.3. коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртacha ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

10.20.4. бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача.

10.21. Туғиши ва ҳомиладорлик бўйича нафақалар ойлик маошнинг 100% миқдорида берилади. (Туғиши ва ҳомиладорлик бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича барча тўловлар корхона ҳисобидан амалга оширилади).

10.22. Иш берувчининг ташаббусига кўра корхона ривожига ҳисса қўшиши учун таклиф этилган юқори малакага эга ходимларнинг 3 йил давомида яшashi учун ижара харажатларини тўлиқ корхона ҳисобидан қопланади.

10.23. Биринчи марта никоҳдан ўтаётган ходимларга (агар эр-хотиннинг иккаласи ҳам корхонада ишласа, эр-хотиннинг бирига) Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Моддий ёрдам кўрсатиш учун ходимнинг аризаси, гувоҳнама нусхаси асос бўлади. Юқоридаги хужжатлар касаба уюшма қўмитасида

рўйхатга олиниб корхонанинг ҳисобхонасига тўловни амалга ошириш учун тақдим этилади.

10.24. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, ходимларнинг уй жой шароитларини яхшилаш, ўзи ва оила аъзоларини оғир жарохлик амлиётларини ўтказиш ва даволатиш учун ҳамда уй-жойга муҳтож малакали ходимларни қўнимилигини таъминлаш мақсадида иш хақи ҳисобидан қайтариш шарти билан қисман маблағ бериш масаласи молия ва иқтисод бўйича бошқарув раиси ҳузуридаги комиссия томонидан кўриб чиқилади.

*Коронавирус ёки бошқа юқумли касалликлар туфайли жорий қилинган карантин чоралари даврида ходимларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар*

10.25. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қуидагиларни ўз зиммасига олади:

10.25.1. карантинга оид чоралар амал қилиши даврида Иш берувчи ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказади;

Масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтиш ҳуқуқидан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади.

10.25.2. пандемия даврида иш жараёнида касалланган ходимларнинг даволанишига кетадиган харажатлар Корхона маблағлари ҳисобидан қопланади;

10.25.3. пандемия муносабати билан касаллик юқтирган ходимларнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиги тикланмаганлиги муносабати билан Иш берувчи Корхонанинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

10.25.4. Иш берувчи юқумли вирус касаллигига чалинган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиши, уларнинг даволаниши ва дори-дармонларнинг харажати учун тўловни қисман амалга ошириши мумкин.

10.25.5. ходимларни иш фаолиятлари билан боғлиқ турли юқумли касалликларга чалинишлари мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида огоҳлантирувчи маълумотлар билан таъминлайди, стенлар, тарқатма материалларни чоп эттиради;

10.25.6. Корхона ходимлари ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалиши олдини олиш мақсадида Иш берувчи ходимларни иш жойларида антесиптик ва зарур санитария-гигиеник воситалар, никоблар билан таъминлашни, касаллик учун тест таҳлилларини топширишни, юқумли касалликларга қарши вакцина билан эмлашни, шунингдек иш жойларини, ошхонани, ювиниш хонасини, ҳожатхонани, ишчиларни ташувчи транспорт воситаларини дезинфекция қилиш ишларини Корхона ҳисобидан амалга оширади.

10.26. Пандемия даврида касалланиб вафот этган ходимларнинг оиласига молиявий имкониятдан келиб чиқиб Иш берувчи ёки **Касаба уюшмаси қўмитаси** маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратилади.

10.27. Хукумат ёки Махсус комиссия томонидан карантин эълон қилинганда ходимга қисман ҳақ тўланган ҳолда Иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишув орқали белгиланган муддатга таътил тақдим этилади. Бунда ходимга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

10.28. Коронавирус пандемияси даврида ходимнинг асосий меҳнат таътилини олиш ҳукуқини берувчи иш стажини ҳисоблашда иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган давр ҳам инобатга олинади.

10.29. Касаба уюшма қўмитаси қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

10.29.1. касаба уюшма харажатлар сметасига асосан:

- ишчи-ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш;

- жамоат ишларида фаол иштирок этган касаба уюшма фаолларини рағбатлантириш;

- кўп йиллик самарали меҳнати ва корхона ривожига ҳисса қўшаётган ходимларни байрамлар арафасида эсадлик совғалари билан тақдирлаш;

- Касаба уюшма қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомлар асосида ташкил этилган танловлар, спорт мусобоқалари ғолибларини диплом ва эсадлик совғалари билан тақдирлаш;

- “Наврўз”, Рўза ва Қурбон Ҳайити байрами, Мустақиллик куни, Конституция куни байрамлари муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали ва ногирон фарзандлари бор оиласарга озик-овқат тўпламлари ажратиш.

10.29.2. 11 ноябр “Касаба уюшма ходимлари куни” муносабати билан касаба уюшма фаолларини рағбатлантириш учун тавсия этиш.

## **XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ**

### **11.1. Иш берувчи:**

11.1.1. Касаба уюшмаси қўмитасига ўз балансида турган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа обьектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган масканларни, болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун бериш.

11.2. **Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қўйидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

11.2.1. “Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Республика маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

11.2.2. корхона балансидаги кутубхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўtkазиш, жиҳозларини янгилаш. Кутубхоналарини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган

ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

11.2.3. ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳатларини, театр, концерт ва музейларга ташрифларини ўюштириш;

11.2.4. ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

11.2.5. буғунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда “Маърифат соатлари”ни ўтказиб бориш.

11.3. Ходимлар фарзандларини мазмунли ҳордиқ чиқариб дам олишларини ташкил этиш мақсадида:

11.3.1. “Офтобжон” болалар соғломлаштириш оромгоҳи моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни ўз вақтида ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш;

11.3.2. “Офтобжон” болалар соғломлаштириш оромгоҳини кўргазмали тарғибот воситалари билан безашни таъминлаш, ёзги дам олиш даврида болаларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

11.3.3. Оромгоҳда «Маънавият ва маърифат хонаси» (бурчаклар), кутубхона ташкил этиш, уларни стендлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва янги замонавий адабиётлар билан таъминлаш;

11.3.4. «Офтобжон» болалар дам олиш оромгоҳи ходимлари учун ёзги соғломлаштириш даврида бепул овқатланишни ташкил этиш.

11.4. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши учун;

– шахардан ташқари соғломлаштириш оромгоҳлари ва дам олиш муассасаларига;

– маданий-спорт тадбирларига;

– туристик саёҳатларга бориб келиш учун бепул автотранспорт ажратиш мажбуриятини зиммасига олади.

### **11.5. Иш берувчи касаба ўюшма қўмитаси билан биргаликда:**

11.5.1. Маҳаллаларда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари ва “Темир дафтар”да турган ижтимоий кўмакга муҳтож оилаларга “Мехрибонлик уйлари”, мактаб-интернат тарбияланувчиларига Умумхалқ байрамлари арафасида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш (ширинликлар тўплами, озиқ-овқат тўпламлари, кийим-кечак, ўкув-куроллари) ;

11.5.2. Республиkanинг тарихий жойлари ва диққатга сазовор шаҳарларига туристик саёҳатлар ўюштириш;

11.5.3. буғунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ҳафтанинг пайшанба кунларида «Маънавият соатлари»ни

ўтказиб бориш;

11.5.4. ҳар йили бир маротаба корхона пенсия бюросида ҳисобда турадиган пенсионерларни 50 нафарини вилоят ва Республикасининг тарихий шаҳарларига туристик саёчини ташкил этиш.

**11.6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

11.6.1. жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиш) ҳамда меҳнат жамоасида “ходимлар гимнастикаси”ни жорий этиш;

11.6.2. технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга “ходимлар гимнастикаси” машқларини бажариши учун махсус танаффусларни белгилаш;

11.6.3. соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилашни йўлга қўйиш;

11.6.4. иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилиш;

11.6.5. Корхона балансидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи, соғломлаштириш муассасаларининг фаолиятини Корхона маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш;

11.6.6. Корхона пенсия бюросида ҳисобда турадиган нафақаҳўрлар ўртасида ёшлари ва соғликларига мос бўлган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ғолибларни эсдалик совғалари билан рағбатлантириш.

11.6.7. корхонада ойнинг бир шанба кунини “Спорт – саломатлик куни” деб эълон қилиш ва Иш берувчи билан ҳамкорликда ходимларни спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича чоралар белгилаш, жисмоний тарбия жамоаларини тузиш ва уларнинг ишини жонлантириш.

## **11.7. Касаба уюшма қўмитаси:**

11.7.1. умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадиий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

11.7.2. йиллик спорт соғломлаштириш календар режасига асосан спорт турлари бўйича, ғолибларни тақдирлаган ҳолда, спорт мусобақалар ўтказишни ташкил этиш;

11.7.3. ўтказиладиган спорт соғломлаштириш мусобақалари ва спартакиадаларда иштирок этувчи цех ва ишлаб чиқаришлар жамоалари талабномалари асосида спорт жиҳозлари, спорт формалари харид қилиш;

11.7.4. Давлат дастурларини бажариш доирасида таникли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли

учрашувлар ташкил этиш;

11.7.5. ишчи-ходимлар фарзандларини “Офтобжон” болалар оромгохida соғломлаштиришни ташкил этиш учун маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, спорт жиҳозлари ва формалари харид қилиш;

11.7.6. Ёз мавсумида ходимларининг соғликларини мустаҳкамлаш учун дам олиш масканларида соғломлаштиришни ташкил этиш.

## **ХII. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШГУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КаФОЛАТЛАР**

**12.1.** Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, хукуқ ва имкониятлар tengлиги, teng аҳамиятли меҳнат учун teng ҳақ тўлаш принципларига қатъий риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**12.2.** Тарафлар аёлларнинг меҳнат хукуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг куйидаги хужжатларига оғишмай риоя этадилар:

- Халқаро меҳнат ташкилотининг 1974 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённома;
- “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга teng ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

**12.3.** Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида қўзда тутилган куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

- а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);
- б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);
- в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, , 234, 237-моддалари);
- г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);
- д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);
- е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);
- ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари).

### **12.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:**

12.4.1. аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш хукуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

12.4.2. тиббий хulosага мувофиқ ҳомиладор аёлларни соғлигига заарли омиллар таъсир бўлган цехлардан енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омиллар

тасиридан холи бўлган цехлардан иш ўринлари ажратиш;

12.4.3. тиббий кўрикдан ўтишлари учун ҳомиладор аёлларни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вактда ўтказиш имконияти бўлмаса);

12.4.4. уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга камидан 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

12.4.5. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йил уч иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган кўшимча таътил бериш;

12.4.6. 8 Март “Халқаро-хотин қизлар куни” муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этиш ва хотин-қизларни эсдалик совғалари ёки пул мукофоти билан рағбатлантириш;

12.4.7. икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларнинг ва фарзандлари бошланғич синфда ўқийдиган ёлғиз аёлларнинг иш ҳафтасини иш ҳақлари сақланган ҳолда 1 соатга қисқартириш;

12.4.8. барча цехларда (бўлинмаларда) аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

12.4.9. “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”ни амалга оширишга кўмаклашиш.

12.5. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

12.5.1. хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини Корхонанинг ва унинг таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

12.5.2. ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

12.5.3. хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

12.6. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин (Халқаро меҳнат ташкилотининг 103-сонли Конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан).

12.7. Болалик аёлларнинг бола 3 ёшга тўлгунинга қадар уни парваришлиш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилади.

## **12.8. Касаба уюшмаси қўмитаси;**

- аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашади;
- аёллар меҳнати ва соғлигини муҳофазаси қилиш бўйича Корхонанинг

ижтимоий дастури бажарилишида Иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

Одоб-ахлоқ қоидалари хуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, хотин-қизларни юксак хуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларига, ҳамкасларини хуқуқ ва эркинликларига қатый риоя қилиш бўйича тарғибот тадбирларини олиб боради.

### **ХІІІ. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР**

**13.1. Корхона** ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўкув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;

меҳнат жараённида юқори кўрсаткичларга эришаётган, касаба уюшмаларида фаол ва шижаотли ёшларни рағбатлантириш;

ёш ходимларни маданий-маърифий тадбирлар, касб маҳорати бўйича танловларда фаол иштирок этишини таъминлаш.

**13.2. Қонунчиликка** биноан мазкур жамоа шартномаси мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланилади.

**13.3. Тарафлар** Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246, 247-моддалар);

б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257, 258-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

**13.4.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуидагилар кафолатланади:

**13.4.1.** ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар иш кунининг бошланиш ва тамом бўлиш вақтини ходимга мақбул тарзда ўрнатилиши;

**13.4.2.** йилда 14 календарь кунидан кам бўлмаган иш ҳаки сакланмаган ҳолда таътил бериш.

13.5. Иш берувчи ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга йилда бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари (шунингдек диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтиҳонларини топшириш) даврида, ўқув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг 50 фоизи микдорида йўлкира пули тўлайди.

**13.6. Иш берувчи мажбуриятлари:**

а) профессионал таълим муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни Корхонага жалб этиш борасида ишларни олиб бориш;

б) меҳнат жамоасида “Устоз шогирд” тизимини жорий этиш. Бунда таълим, муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш, устоз ходимларни рағбатлантириш;

в) сафарбарлик чақируви заҳирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш;

г) Корхонанинг зарур йўналишлар бўйича истеъодди ёш кадрларини чет эл олий маҳсус ўқув юртларида ўқитиш, ўқув-контракт тўловларини иш ҳаки ҳисобидан қоплаш;

**13.7. Касаба уюшмаси қўмитаси мажбуриятлари:**

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳукуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳукуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатган ёшларни тизимли равишда маънавий (фаҳрий ёрлиқ, ташаккурнома, улар тўғрисида газеталарда рағбатлантирувчи мақолалар чоп этиш) ва моддий рағбатлантириш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилишда устоз бириктирилишини таъминлашда қўмаклашиш;

г) амалиёт ўташ учун бириктирилган профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини ва янги ишга қабул қилинган битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказишга, маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлашга эришиш;

д) ишга қабул қилинган профессионал таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномаси билан таништирилишини таъминлаш;

ж) хар бир ёш мутахассисни ишга қабул қилиниши билан ҳисобга олиб, Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса ўқув курсларида малака оширишини назорат

қилиб бориш;

з) Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, професионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари битиувчиларининг таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битиувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ҳамда 247<sup>1</sup>-моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битиувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар Иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида меҳнат органларига хабар берилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

и) Корхонада ёш ходимлар ўртасида маданий-маърифий, маънавий ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини кенг миқёсда амалга ошириш орқали ишлаётган ёшлар фаолиятидаги салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишончнинг сўнишини олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатурдлик ҳиссини уйғотиши;

к) “Ёшлар минбари”, “Эркин фикр” услубларининг қўлланилишини жорий этиш ва унда, ёш ходимлар ўз фикрларини эркин ифода этган ҳолда (иш шароити, жамоадаги муҳит, жамоа ишига самара келтирадиган ғоя, раҳбар кадрларнинг ножӯя ҳатти ҳаракатлари, уларнинг камситилиши ва ҳ.к. юзасидан) тўғридан-тўғри ёки аноним билдиришномаларни шаффоф қутиларга ёзма тарзда бериб туриш ишларини ташкил этиш.

## **XIV. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ХОДИМНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

### **14.1. Иш берувчи қўйидаги мажбуриятларни олади:**

14.1.1. Корхона ишчи-ходимларини ва янги ишга қабул қилинган ходимларни ўқув марказида ёки зарур ҳолларда тармоқ ўқув марказларида режага мувофиқ ўқувларини ва малака оширишларини ташкил этиш.

14.1.2. Корхона учун зарур касбларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, ходимларни ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида, шу жумладан чет эл таълим муассасаларида таълим олишини ташкил этиш.

14.1.3. Олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олаётган корхонанинг барча ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишларини таъминлаш.

14.1.4. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва цехларида техник синфлар (тех.класслар) ташкил этиш, уларни кўргазмали воситалар билан таъминлаш.

14.2. Малака ошириш учун корхонанинг ўқув марказига юборилган ишчи-ходимлар ўқув-машғулотларида вижданан ёндошиб, тасдиқланган ўқув режаси асосида малакаларини оширишлари керак, асоссиз равишда ўқув машғулотларида қатнашмаслик ва синов имтиҳонларини топширмаслик, меҳнат интизомини бузган ҳисобланади.

14.4. Иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда корхона ходимлари ва уларнинг фарзандларини олий ўқув юртларида таълим олишлари учун имтиёзлар бериш масаласини Низомга асосан кўриб чиқади. (2-Илова).

## XV. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

**15.1.** Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, мазкур жамоа шартноманинг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва хурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ҳал этилади.

**15.2.** Якка тартибдаги меҳнат низолари Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан бўлган 5 нафар аъзодан тенглик асосида ташкил топган (ҳар тарафдан 3 нафардан) ва мазкур жамоа Шартномасининг амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

**15.3.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонунчилик ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й., 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

**15.4.** Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичida кўриб чиқиши шарт. Низо ариза берган ходим иштирокида кўриб чиқилади. (Ўз.Рес.МКнинг 264-моддаси, 1-қисми).

**15.5.** Меҳнат низолари комиссиясини ташкилий-техникавий таъминлаш ишлари корхона томондан амалга оширилади.

**15.6.** Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## XVI. ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

**16.1. Иш берувчи қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

16.1.1. Корхона ходимларига, пенсия бюроси рўйхатидаги ишламайдиган пенсионерларга, касаба уюшма қўмитаси аппарати ходимларига, «Navoiy Invest Construction and Engineering» МЧЖ ходимларга бепул тиббий хизмат кўрсатилишини шунингдек, ходимларнинг вояга етмаган 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган фарзандларига жарроҳлик бўлимида тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

16.1.2. Ишчи-ходимлар ва нафақаҳўрларга тиббий санитария қисми терапия ва хирургия бўлимида даволанишлари учун даволовчи шифокор томонидан берилган ўйлланма асосида касаба уюшма қўмитасида рўйхатдан ўтказилади ва кириш талони берилади;

16.1.2. Ишлаб чиқариш ногиронлари ва касб касаллиги бўйича рўйхатда турғанларга корхона тиббий санитария қисмида даволанишлари учун зарур доридармонлар таъминлаш, даволаниш ва овқатланиш харажатлари тўлик корхона ҳисобидан амалга ошириш;

16.1.3. Корхона худудидаги мавжуд тиббиёт пунктларини тасдиқланган рўйхатга асосан дори-дармонлар ва зарур тиббий ускуналар билан таъминлаш.

16.1.4. Ишчи-ходимларни дастлабки ва режа асосида даврий тиббий кўриқдан бепул ўтказилишини таъминлаш.

## **16.2. Иш берувчи ходимларга қуидагиларни кафолатлайди:**

16.2.1. Санаторий-профилакторий ва тиббий санитария қисмida даволаниши учун даволовчи шифокор йўлланмаси бўлса, ойлик маоши сақланган ҳолда, иш вақтида имконият яратиб бериш.

16.2.2. Корхонанинг санаторий-профилакторийсида ишчи-ходимларни дам олиб соғлигини тиклаш учун иш ҳақини сақлаган ҳолда 1 соат вакт ажратиш;

16.2.3. Тиббий санитария қисми ва санаторий-профилакторий моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва зарур тиббий ускуна ва дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлаш.

## **16.3. Касаба уюшма қўмитаси:**

Мехнат кодексининг 214-моддасига мувофиқ ходимларни бепул дастлабки ва даврий тиббий қўриқдан ўтказилишини, цехларни тиббий биринчи ёрдам тўпламлари билан таъминлаши, корхона худудида жойлашган тиббиёт шохобчалари, уларни биринчи ёрдам тиббиёт жиҳозлари ва дорилари билан таъминланишини, ходимларининг, шу жумладан хотин-қизларни касалланиш ҳолати, уни камайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги тадбирларнинг бажарилишни ва ходимлар учун меҳнат ва майший шароитларини яратилишини назоратини таъминлайди.

## **XVII. ЭКОЛОГИЯ**

17.1. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Қонунлар, нормалар ва қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини оладилар, бунда:

17.2. Иш берувчи ва таркибий бўлимларнинг раҳбарлари узлуксиз равища ишлаб чиқариш жараёнларини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги технологик жараёнларни доимий такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқарилаётган дастурларга мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини бажариш мажбуриятини олади.

17.3. Иш берувчи атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келадиган буйруқ, фармойиш ва кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

17.4. Таркибий бўлинмалар ишлаб чиқариш, цех, участка раҳбарлари иш жараёнида атроф-муҳитни заарланишига олиб келадиган ҳолат содир бўлган ҳолларда зарур эҳтиёт чораларини қўллаган ҳолда бартараф этиш мажбуриятини оладилар.

17.5. Ходимлар атроф-муҳитни белгиланган меъёридан ортиқ ифлосланишига олиб келган нотўғри ҳатти-харакатлари учун шахсан, шу билан бирга моддий жавобгардирлар.

17.6. Касаба уюшма қўмитаси корхона таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш бино ва иншоотларида ҳаво муҳитининг ҳолатини назорат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **XVIII. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ**

18.1. Пенсияга оид масалалар амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари талаблари асосида амалга оширилади.

18.2. Корхонада камида 5 йил фаолият олиб борган ва пенсия олиш хуқуқи пайдо бўлгандан сўнг меҳнат фаолиятини тўхтатган ҳодимлар пенсия бюросига рўйхатга олинади.

Корхонада “Меҳнат фахрийси” унвони берилган ҳодимнинг иш ўрни қисқартирилиши сабабли ишдан бўшаган, пенсия ёшига етгандан кейин, бошқа корхона ташкилотларда ишламаган бўлса, рўйхатга олиш масаласи касаба уюшма қўмитасида кўриб чиқилади.

### **18.3. Иш берувчи:**

18.3.1. Ходим ишга кираётган вақтда уни имтиёзли пенсия таъминоти ҳолатига мувофиқ имтиёзли пенсия ва ёшга доир пенсияга чиқиши тартиби билан таниширади;

18.3.2. Корхона ҳодимлари пенсиясига оид зарур хужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришни таъминлаш, пенсия бюроси ва корхона бухгалтерияси томонидан амалга оширилади;

18.3.3. Иш берувчининг айби билан пенсия ўз вақтида расмийлаштирилмаса, ҳодимларга ўз вақтида олинмаган пенсиясини корхона ҳисобидан қопланади;

18.3.4. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

## **XIX БЎЛИМ** **УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

19.1. Иш берувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

19.1.1. корхона ҳодимларига корхона ҳудудида жойлашган ошхоналарда тушлик вақтида овқатланиш учун имконият яратиб бериш;

19.1.2. смена графиклари иш тартибига қараб кечки ва тунги сменаларда 6-чи, 8-чи, 13-чи, 7-чи ошхоналарда овқатланишни ташкил этиш (кечки сменалар бошлангунга қадар - 6-чи, 8-чи, 13-ошхоналарда, суткалик – 7-ошхонада) ;

19.1.3. нокулай меҳнат шароитидаги ишларда банд бўлган ҳодимларга белгиланган меъёрларга кўра сут ёки сут маҳсулотлари ва даволаш озиқ-овқати (ЛПП) маҳсулотлари билан бепул таъминлаш ва бунда 2-сонли овқатланиш рационига мувофиқ даволаш озиқ-овқати талони, ҳамда сут ва сут маҳсулотлари бозор нархларидан келиб чиқиб, нархини мувофиқлаштириб бориш.

19.2. Касаба уюшма қўмитаси қуйидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

19.2.1. корхона ошхоналарида овқатланишни сифатли ташкил этиш, санитария талабларига риоя этиш устидан назоратни таъминлаш;

19.2.2. бозор нархларидан келиб чиқиб, сут ёки сут маҳсулотлари ва даволаш озиқ-овқати (ЛПП) талонини нархини кўтариш бўйича таклифларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш;

19.2.2. Ишчи-ҳодимларни ошхоналарда овқатланиш сифати бузилиши бўйича шикоятларни ўрганиб чиқиш ва бартараф этиш бўйича таклифлар киритиши.

## **ХХ БЎЛИМ** **УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ**

20.1. Иш берувчи, корхона тасарруфидаги уйларни Уй жой Кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив ҳужжатларига мувофиқ тақсимлаш чораларини кўради.

20.2. Корхона тасарруфидаги уй-жойлар хусусийлаштирилаётганда ишчи-ходимлар манфаати ҳимоя қилинади.

20.3. Корхона тасарруфидаги уй-жойларни сотиш ва хусусийлаштириш масалаларини касаба уюшма қўмитаси билан келишган, ишчи-ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

## **XXI БЎЛИМ** **ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

21.1. Касаба уюшмаси қўмитаси манфаатлари у томонидан ифода этилаётган ходимлар номидан Иш берувчи билан жамоа музокараларини олиб боришига, жамоа шартномасини тузишга бўлган устувор ҳукуққа эга, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 29- ва 34-моддалари*).

21.2. Тарафлар тенглик асосида мазкур жамоа шартнома бажарилишини текшириб борувчи комиссияни тузишни ўз зиммаларига оладилар.

21.3. Тарафлар йилда 2 маротаба мазкур жамоа шартнома бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини ҳар йил меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да ярим йиллик бажарилишини иш берувчи ва касаба уюшма аъзоларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар. Бунда, жамоа шартномаси бажарилишининг йил якунлари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

21.4. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да Иш берувчининг Корхона ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслигига оид мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳисоботи эшитилади.

21.5. Тарафлар Бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувларни тан олиб, уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартишлар киритилса, Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси 1 ой муддат ичida мазкур жамоа шартномасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боради.

21.6. Тарафлар шуни эътироф этадиларки, уларнинг мазкур жамоа шартномада акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин.

21.7. Касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)дан олдин унинг лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига тақдим этади.

21.8. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш

учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига тақдим этадилар.

21.9. Шартнома имзолангандан сўнг, томонлар унинг бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларни белгилаб оладилар.

21.10. Корхонада ижтимоий-мехнат муносабатларини тартибга солиш, жамоа музокаралари ўтказиш, жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш, унинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш, шунингдек, Иш берувчи томонидан касаба уюшмаси билан келишган ҳолда қабул қилинган бошқа локал норматив хужжатларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш мақсадида тенг хуқуқлилик асосида ижтимоий-мехнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия фаолияти йўлга қўйилади.

Шартномани имзолаган тарафлар комиссия йигилишида унинг бажарилишини таъминламаётган масъуллар ҳисботини эшитиш масаласини қўйиш хуқуқига эга.

21.11. Жамоа шартномаси имзоланган кунидан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда Корхонанинг кўп тиражли газетасида чоп этилади, брошюра кўринишида 100 нусхада чиқарилади. Жамоа шартноманинг бир нусхаси корхонанинг ҳар бир бошқарма, бўлим ва цехларида бўлишини таъминлайди, шунингдек ходимлар жамоа шартнома матни ва иловалари билан Корхонанинг кадрлар бошқармасида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юридик бўлимларида ҳамда Касаба уюшмаси қўмитасида танишишлари мумкин.

21.12. Жамоа шартноманинг амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида хужжатлар билан расмийлаштирилади ва мазкур жамоа шартномасининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

21.13. Жамоа шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

## **ХХII. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

22.1. Иш берувчи ушбу жамоа шартнома шартларини бузувчи қабул қилган тақдирда, Касаба уюшмаси қўмитаси ушбу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли, бу тақдимнома бир хафталик муддатда кўриб чиқилади. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитасининг ушбу талабларини қаноатлантиришни рад қилган ёки белгиланган муддатда келишувга эришилмаган тақдирда, келишмовчиликлар қонунчиликка мувофик кўриб чиқилади. (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддаси*).

22.2. Жамоа шартнома мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда мазкур жамоа шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Мекнег жынысшының  
конференциясында заттауыштаган  
2023 шул 27 айрыл  
18 -сөзли бағыттарынан

**«NAVOIYAZOT» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
2023-2024 ЙИЛЛАРГА МУЛЖАЛЛАНГАН ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА  
УЗГАРТИРИШ ПА КҮПШИМЧАЛАР**

**Мемлекеттегі жамоасынинтүндүк конференцияның көрөртүгү библиотека жамоасының мүшкүншесі**



Императорчи

2023 йил « 01 » 05



## Касиба үшіншісін күмбәсін рапсі

2023 版《詩》 05

**Жамоа шартномасында үзілдіріліш та күштімчалдар қуанышында иштеп орнала  
имзолиди:**

## Иш берүүчкүнүн вакыттары;

1. Жемялов Д.Г.
  2. Тылазов Х.С.
  3. Ачишлов А.С.
  4. Галибов О.А.
  5. Хабибуллов Ш.М.

## Ходимлар ожиглары:

1. Яркулов Б.И.  
2. Хамданов А.Х.  
3. Бердисека Д.Ж.  
4. Ахмерхонжакеева В.М.  
5. Гимонов К.В.

## I. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1.1. бандга қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

1.1. Мазкур жамоа шартномаси «Navoiyazot» акциядорлик жамиятида якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меҳнат тўғрисидаги хуқукий хужжат ҳисобланади. Жамоа шартномаси 2022-2024 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ, “O’zkimyosanoat” акциядорлик жамияти ҳамда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган тармоқ тариф келишувини назарда тутган ҳолда тузилган.

### 1.4 банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

1.4. Мазкур Шартнома Иш берувчига ва корхонанинг меҳнат шартномаси асосида ишлаётган барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга, касаба уюшма қўмитаси ходимларига ҳамда ўриндошлиқ асосида ишлаётган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

### 1.5. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

1.5. Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Меҳнат кодексида уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

## II. БЎЛИМ «NAVOIYAZOT» АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

### 2.2. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2.2. “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантариш стратегияси”га мувофик.

### 2.4. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

л) иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги иш берувчининг тақдимномасини ўз вақтида кўриб чиқиш, агар иш берувчининг тақдимномаси қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқилмаса ёки қабул қилинган қарори ҳақида хабар бермаса. Иш берувчи меҳнат шартномасини касаба уюшмаснинг розиликсиз меҳнат шартномасини бекор қилиш хуқуқига эга;

м) иш берувчининг меҳнат шароитларининг ўзгариши, шунингдек ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиш ва иш берувчига ушбу чораларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича таклифлар киритиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КаФОЛАТЛАРИ.

### 4.2. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.2. Қонунчиликда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа хуқукий хужжатларда ёхуд корхона уставида (низомида) белгиланган ҳолларда ва тартибда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат шартномасига асосан қўйидагилар натижасида юзага келади.(МК-26)

лавозимга сайланиш ёки тегишли лавозимни эгаллаш учун танловдан ўтиш;

лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш;

ваколатли давлат органлари томонидан ишга юбориш;

Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятига бўлган хуқукка доир тасдиқнома бериш;

ота-онанинг ҳар иккисининг ёки ота-онадан бирининг (ота-онанинг ўрнини босувчи шахснинг) розилиги;

иш берувчининг зиммасига меҳнат шартномасини тузиш мажбуриятини юклатиш тұғрисидаги суд қарорини қабул қилиш;

шахсий меҳнатдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ва фуқаролик-хуқуқий хусусиятга эга шартнома асосида юзага келган муносабатларни суд томонидан якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар деб эътироф этиш. Ўз. Рес МКнинг 26-моддаси.

#### **4.8. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**4.8.** Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиқкан ва бундай иш **корхонада** мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 142-143 моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда Иш берувчи томонидан қўйидаги ҳолларда қаноатлантирилиши керак:

қайси тиббий хulosага мувофиқ ходим соғлигининг ҳолатига кўра вақтинча енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларини истисно этадиган ишга ўтказишга муҳтож бўлса, ўша тиббий хulosанинг мавжудлиги;

қайси тиббий хulosага мувофиқ ҳомиладор аёл вақтинча енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган ишга ўтказишга муҳтож бўлса, ўша тиббий хulosанинг мавжудлиги;

икки ёшга тўлмаган боласини парваришлаётган ота-онанинг бири (васий) томонидан аввалги ишини бажариш мумкин эмаслиги;

Ушбу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиқкан ва бундай иш иш берувчидан мавжуд бўлган тақдирда қаноатлантирилиши лозим.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш дастлабки икки ҳафта давомида аввалги иш жойидаги миқдорда, кейинчалик эса - бажарилаётган ишига мувофиқ амалга оширилади.

Бундай ўтказишнинг муддати тарафларнинг келишувига биноан белгиланади.

#### **4.9. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**4.9.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилмаган бошқа ишга унинг розилигисиз Иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча ўтказишга йўл қўйилади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 145-моддаси 2 қисмида кўрсатилган ҳодисалардан ташқари яна қўйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечикириб бўлмайдиган ишлар хисобланиши мумкин:

4.9.1. бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик бўлмаган даврида (ўкув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

4.9.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий оғат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

4.9.3. таъмирлаш ишлари амалга оширилганда;

4.9.4. зарур қурилиш, юклаш, тушириш ишларини бажариш;

4.9.5. ишлаб чиқариш хажмининг кутилмаган даражада ошиши;

4.9.6. давлат эҳтиёжи учун шошилинч буюртмалар бўлганида;

4.9.7. вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларни жамлаб ҳисоблаганда Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим. (Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

4.9.8. Иш берувчининг ташаббуси билан ходим вактинча бошқа ишга ўтказилган (юборилган), даврда ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бажараётган ишига қараб, бироқ аввалги ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилган буйруқ-қарорларга асосан ходимларни тайёр маҳсулотларни юклаш ишларига юборилган тақдирда, белгиланган норма иш ҳажми бажарганда, иш ҳақи тўлаш аккорд шаклида белгиланиши мумкин. Бунда иш ҳақи тўлаш ходимлар белгиланган норма иш ҳажмини бажарган тақдирда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарган цех бошлиғи ва цех устаси ҳамда ходим фаолият олиб борадиган цех бошлиғи билан келишилган ҳолда тасдиқланган табелга асосан иш вақти тугаланмаганлигидан қатъий назар унга нормани бажарганлиги муносабати билан тўлиқ иш вақти учун асосий иш жойидаги иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи тўланади.

#### **4.12. бандининг 2-чи абзаци қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

- иш берувчи ходимлар сони қисқаририлиши (шататлар қисқариши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ходимни огоҳлантириш муддатларини огоҳлантириш муддатининг давомийлигига мувофиқ келадиган пулли компенсация билан алмаштиришга ҳақлидир. Ходимга огоҳлантириш муддатига мутаносиб пулли компенсация тўлаш иш берувчини қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловларни амалга ошириш мажбуриятидан, шунингдек ўзга тўловларни, агар улар меҳнат ҳақидаги бошқа хуқуқий ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлса, амалга оширишдан озод этмайди.

#### **4.14. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

4.14. Технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ходимларнинг сони (штати) ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилаётганда ходимлар teng малакага ва меҳнат унумдорлигига эга эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 167-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда устувор хуқуқ ёки бир-бирининг олдида афзалларни йўқлиги аниқланса, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қўйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

- меҳнат интизомини бузмаганлиги;
- хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар ва йўриқномаларига риоя этганлиги;
- корхона манфаати йўлида берилган топширикларни ўз вақтида бажарганлиги;
- корхона ҳаёти ва жамоат ишларида фаоллиги;
- пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);
- фарзанди олий ўкув юртида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган ходимлар;
- 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимлар;  
корхонага Иш берувчининг таклифига биноан ишга жойлашган шахслар;
- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз ота-она, шу жумладан бева аёллар, бева эркаклар, никоҳдан ажралганлар, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар.

#### **4.15. банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

#### **4.15. Янги банд киритилсин.**

4.15. Ходимларга Иш берувчининг маблағлари ҳисобидан ишдан бўшатиш нафакасини тўлаш чоғида қўйидаги қўшимча кафолатлар белгиланади(МК-173 м).

Иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномаси ходимнинг айбли харакатлари (харакатсизлиги) билан боғлиқ асослар бўйича бекор қилинганлиги бундан мустасно;

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур корхонадаги иш стажига боғлиқ бўлади ва у:

уч йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртacha ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан;

уч йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртacha ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан;

беш йилдан ўн йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртacha ойлик иш ҳақининг юз фоизидан;

ўн йилдан ўн беш йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртacha ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизидан;

ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимлар учун – ўртacha ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

#### **4.21. Янги банд киритилсин.**

**4.21.** Ишга қабул қилинган шахслар Касаба уюшмаси қўмитасида таништирув сухбатидан ўтказилади ҳамда уларга касаба уюшмаси ҳакида маълумот берилади. Агар ходим касаба уюшмасига аъзо бўлишни хоҳласа, аъзоликка кириш тўғрисида ёзма ариза олинади.

#### **4.22. Янги банд киритилсин.**

**4.22.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 129-моддасида келтирилган ходимлар тоифаларидан ташқари яна қуидаги шахслар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:

**4.22.1.** Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига тенг иш ҳақи ўрнатилган шахсларга;

**4.22.2.** оиласида ягона боқувчи бўлган шахсларга;

**4.22.3.** “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”да рўйхатда турган ходимларга.

#### **4.23. Янги банд киритилсин.**

**4.23.** Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳукуқий хужжатларда, меҳнат шартномасида, шунингдек мазкур Шартномада назарда тутилган ҳолларда ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра ишни давом эттираётганда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақлидир. Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси у берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши керак.136-модда

#### **4.24. Янги банд киритилсин.**

Иш берувчи корхона ходимларини мажбурий меҳнатга, жумладан, худудларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги турли ишлар, шунингдек газета ва журналларга мажбурий обуна қилишга жалб қилмайди.

#### **4.25. Янги банд киритилсин.**

**4.24.** Қуидагилар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасида назарда тутилган асослардан исталган бирига кўра ташкилот раҳбари, шунингдек алоҳида бўлинма раҳбари билан;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 489-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра ташкилот раҳбари, унинг ўринbosарлари, ташкилот бош бухгалтери, алоҳида бўлинма раҳбари билан.

## V. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

### 5.1. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.1. Мехнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишга қабул қилиш чоғида ва кейинчалик тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни (смена) ва (ёки) тўлиқсиз иш ҳафтаси, шу жумладан иш кунини қисмларга бўлган ҳолда) белгиланиши мумкин. Тўлиқсиз иш вақти ҳам муддати чекланмаган ҳолда, ҳам меҳнат шартномаси тарафлари келишган ҳар қандай муддатга белгиланиши мумкин. (МК.186-м.)

Корхонада ходим учун иш вақтининг нормал давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Кундалик иш (смена)нинг давомийлиги қўйиагилардан ошмаслиги керак:

а) нормал иш вақти белгиланган ходимлар учун:

беш кунлик иш ҳафтасида - саккиз соатдан;

б) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун - Меҳнат кодексининг 416-моддасига асосан беш кунлик иш ҳафтасида етти соат 30 дақиқадан ошмайдиган муддатда;

в) ногиронлиги бўлган ходимлар учун - Меҳнат кодексининг 427-моддаси иккинчи қисмига асосан беш кунлик иш ҳафтасида етти соат 30 дақиқадан ошмайдиган муддатда;

г) нокулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар учун - Меҳнат кодексининг 478-моддасига асосан беш кунлик иш ҳафтасида етти соат 30 дақиқадан ошмайдиган муддатда;

Меҳнат жараёнида заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирига дучор бўладиган ходимларга, Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш асосида, ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади.

Бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажариш вақтида иш вақтининг аниқ давомийлиги иловада келтирилган.

Бажарилиши чоғида дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўриклар ўтказиладиган нокулай меҳнат шароитлардаги ишларнинг рўйхати ҳамда мажбурий тиббий кўрикларнинг ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади (МК-476-м)

### 5.6. банди 2-чи абзаци қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

- Иш вақтини жамлаб хисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 396- ва 417-моддаларининг биринчи қисми ва 428-моддасига) риоя қилинган ҳолда жорий этилади.

### 5.9. банди 2-чи хат бошига қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

- яқин қариндошларининг (ака, ука, опа, сингил, амма, хола, амаки, буви, бува ва бошқа яқин қариндошлари) тўй маросимлари муносабати билан;  
Бошқа хат бошлари ўзгартиришсиз қолдирилсин.

### 5.11. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.11. Корхонанинг кейинчалик нормал ишлаши олдиндан кутилмаган қайси ишларнинг шошилинч бажарилишига боғлиқ бўлса, ўша ишларни бажариш зарур бўлган тақдирда ходимларни дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этиш уларнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Ишдан ташқари ишга жалб этиш меҳнат кодексининг 396,417-моддаларининг биринчи

қисмида ва 428-моддасида белгиланган чекловларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.11.2. иш вактидан ташқари бажариладиган ишнинг давомийлиги ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан ошмаслиги керак; (МК-190-м.)

5.11.3. зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларни иш вактидан ташқари ишга жалб этиш иш кунида 2 соатдан ошмаслиги керак(МК-189-м).

#### **5.15. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.15. Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартиби календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 227 ва 228 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда берилади.

#### **5.16. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.16. Барча ходимлар учун ҳар йилги асосий энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) (МКнинг 217-м.) 21 календарь кунини ташкил этади.

#### **5.17. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.17. Қўйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

5.17.1. Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ иш жойларини аттестация қилиш натижаларига кўра қўйидагича қўшимча таътиллар белгиланади:

Омиллар	Меҳнат шароитлари класслари					
	1 класс мақбул	2 класс йўл қўйилган	3 класс зарарли			4 класс хавфли
Қўшимча таътилнинг давомийлиги, кунлар хисобида			3.1 1-даражা	3.2. 2-даражा	3.3. 3-даражা	3.4. 4-даражা
	0	0	3	4-6 кунгача	7-12 кунгача	13-18 кунгача
						19-24 кунгача

Бунда қўшимча таътилларни аниқ миқдори иш ўринларини аттестация хуносасига асосан тасдиқланган ва касаба уюшма қўмитаси билан келишилган қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхатида белгиланади. Илова қилинади.

5.17.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта даги 133-сонли Қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан 24 кунгача;

5.17.3. оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитлардаги иш учун Мехнат Кодексининг 138-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Мехнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги 743-сонли Қарорига асосан қўйидаги қўшимча таътиллар берилади:

- оғир ва нокулай табиий-иқлим шароитларидағи иш учун 2-кун, Конимех участкасида ишловчи ходимларга - 3 кун ва Томди участкасида ишловчи ходимларга - 5 кун.

5.17.4. Ходимга у битта ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади. Йиллик қўшимча меҳнат таътиллари хуқуқини берувчи бир ташкилот ёки тармоқдаги иш стажига бошқа иш берувчида ёки бошқа тармоқдаги иш стажи киради.

#### **5.18. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.18. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 186-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ходимнинг кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт ва қўйидаги сабабларга асосан берилади:

5.18.1. ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёш тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларга.

5.18.2. оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, ТМЭК тавсияси (хулосаси) бўйича;

5.18.3. ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга;

5.18.4. профилактик даволаниш талаб этилганда; (ТСҚ тавсиясига асосан)

5.18.5. мазкур шартноманинг 5.18.1, 5.18.2, 5.18.3 бандларида қайд этилган ходимларга тўлиқсиз иш вақтнинг аниқ давомийлиги ходимнинг шахсий аризасига асосан томонларнинг келишуви билан белгиланади.

#### **5.19. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.19. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддасида назарда тутилган ходимлардан ташқари қўйидаги ходимнинг талабига кўра мажбурий тартибда иш хақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

- бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга 14 кун;

- никоҳдан ўтиш муносабати билан мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши учун - 7 кун;

#### **5.21. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.21 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-моддасида назарда тутилган ходимлар тоифаларига қўшимча риавишда ходимнинг хоҳишига кўра ҳар йилги меҳнат таътили унга қулай бўлган вақтда қўйидагиларга берилishi керак:

- а) ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатга олинган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парвариш қилаётган шахсларга.

#### **5.25. Янги банд киритилсин**

5.25. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 227-моддасида назарда тутилган ходимлар тоифаларига қўшимча равишда, биринчи иш йили учун ой ўтгунига қадар ходимнинг хоҳишига кўра қўйидагиларга меҳнат таътили берилади:

- а) ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатга олинган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парвариш қилаётган шахсларга;

### **5.26. Янги банд киритилсин.**

5.26. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ходимлар тоифаларига қўшимча равишда ходимлар қўйидаги ҳолларда ҳар йилги меҳнат таътилини бошқа муддатга кўчириш ҳукуқига эга:

- а) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- б) ҳомладорлик ва туғиши таътилининг муддати бошланганда;
- в) ҳар йилги меҳнат таътили ўкув таътилига тўғри келганда;
- г) давлат ва жамоат мажбуриятларини бажараётганда, агар қонунчиликда бундай мажбуриятларни бажариш учун ишидан озод этиш назарда тутилган бўлса;
- д) ходимнинг санаторий ёки дам олиш уйига пули тўланган йўлланмаси мавжуд бўлса;
- е) яқин қариндошлари вафот этган тақдирда;
- ё) ходимнинг ўзи ёки унинг фарзандларининг тўй маросимлари пайтида;

### **5.27. Янги банд киритилсин.**

5.27. Ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллар бериш навбати (МК-218-м.) талабига кўра қўйидагиларга ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади:

- ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга — ўттиз календарь кун;
- I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимларга — ўттиз календарь кун.

### **5.28. Янги банд киритилсин.**

5.28. Иш берувчи қўйидаги ҳолларда ходимнинг иш хақи сақланиб қолинадиган ижтимоий таътиллар бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

- а) яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;
- б) ходим ёки фарзандларининг тўй маросимини ўтказишида – 3 кун;
- в) табиий оғатлар юз берганда – 2 кун;
- г) янги турар жойга кўчиб ўтишида – 1 кун;
- д) фарзанди 1-синфга борганда -1 кун;
- е) фарзанд туғилиши муносабати билан унинг отасига –1 кун;
- ж) коронавирус инфекциясидан эмланган куни – 1 кун;

Ходимнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари ва турмуш ўртоғи, қайнотаси яқин қариндошлар деб ҳисобланади. (МК-238-м)

### **5.29. Янги банд киритилсин.**

5.30. Ижтимоий таътиллар ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари берилади. Ходим томонидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган ижтимоий таътил бошқа муддатга ўтказилиши мумкин эмас. Ижтимоий таътилларни жамлаб ҳисоблашга ва пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. (МК-239-м.)

### **5.30. Янги банд киритилсин.**

5.31. Касаначининг меҳнат таътили давомийлиги 21 календарь кун миқдорида белгиланади ёки йиллик меҳнат таътили бериш вақти ва навбати касаначи билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгиланади. (МК-449-м).

## **VI. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

### **6.1. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**6.1.** Мехнат кодексининг 4-бўлимининг 15,16,17-боби талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Мехнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдори иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги келишувга кўра, бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва шартлари, ходимнинг касбий-малакавий ва ишчанлик сифатлари, унинг меҳнати ҳамда ташкилотнинг хўжалик фаолияти натижалари ҳисобга олинган ҳолда ушбу иш берувчидаги амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларига мувофиқ белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, шу жумладан тариф ставкалари, маошлар, компенсация хусусиятига эга қўшимча тўловлар ва устамалар, шу жумладан нормал шароитлардан четга чиқувчи шароитлардаги иш учун шундай қўшимча тўловлар ҳамда устамалар миқдорлари, рағбатлантирувчи хусусиятга эга қўшимча тўловлар ва устамалар тизимлари ҳамда мукофотлаш тизимлари жамоа шартномасида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинадиган ички ҳужжатларда, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасида белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор билан чекланмайди. (МК 246-модда).

**6.14. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

6.14. Тунги вактдаги (соат 22-00 дан 6-00гача ) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробари миқдорида ҳақ тўланади. (МКнинг 264-м.).

**6.16. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

6.16. Дам олиш кунидаги ёки ишланмайдиган байрам кунидаги иш ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Дам олиш кунидаги ёки ишланмайдиган байрам кунидаги иш бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилинган тақдирда, бундай иш учун ҳақ тўлаш камидаги бир хисса миқдорида амалга оширилади, дам олиш куни учун эса ҳақ тўланмайди. (МКнинг 262,263-моддалари).

**6.17. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

6.17. Йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртacha иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади. Меҳнат таътили учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасидан олдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилади. (МКнинг 233-м).

**6.29. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

6.29. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома” ўз кучини йўқотганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси худудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

- йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда хизмат сафарига юборилган ходимга йўл ҳақи ҳар бир километр учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,10 фоизи миқдорида;

- километрлар миқдори 500 метр ва ундан ортиқ бўлса, у катта қиймат томонга қараб яхлитланади.

- agar километрлар миқдори 500 метрдан кам бўлса, кам қиймат томонга қараб яхлитланади.

- яшаш жойидан ташқарида яшashi билан боғлиқ харажатлар:

- суткалик харажатлар миқдори Ўз.Рес. белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

- хизмат сафарига жўнатилган ходимнинг турар-жойи билан боғлиқ ҳақиқий харажатлари келиш кунидан ва кетиш кунига қадар (люкс номеридан ташқари) тақдим этган ҳужжатлари асосида ва меҳмонхонада кўрсатилган қўшимча хизматлар бўйича

тўланади. (бронланган жой, дазмоллаш билан боғлиқ харажатлар, телевизор, музлатгич, алоқа хизмати билан боғлиқ харажатлар).

- агар, меҳмонхоналарни люкс-номерларида (хоналарида) яшаганлигини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилганда, туар жой хонасини ижарага олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номер (хона) қийматининг 70% миқдоригача амалга оширилади;
- хизмат сафарига юборилган ходим туар-жой билан боғлиқ тасдиқловчи хужжатлар тақдим этмаган ҳолда, харажатлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида қопланади.
- иш берувчининг рухсати билан қилган бошқа харажатлар, ходим томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида.

#### **6.39. Янги банд киритилсин.**

6.39. Вақтинчалик нормаларнинг амал қилиш муддати Иш берувчи томонидан Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин. (МКнинг174-модда).

#### **6.40. Янги банд киритилсин:**

6.40. Мехнат нормаларини ишлаб чиқиши иш берувчи томонидан меҳнатнинг аниқ ташкилий-технологик шароитларида ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариши учун меҳнат сарфларини таҳлил этиш асосида амалга оширилади.

Мехнат нормаларини жорий этиш, алмаштириш ва қайта кўриб чиқиши Иш берувчи томонидан Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Мехнат нормаларининг жорий этилиши, алмаштирилиши ва қайта кўриб чиқилиши тўғрисида ходим улар жорий этиладиган, алмаштириладиган, қайта кўриб чиқиладиган кундан камида икки ой олдин огоҳлантирилган бўлиши керак.

Айрим ходимлар ёки уларнинг жамоавий тузилмалари (бригадалари) томонидан ўз ташаббуси билан меҳнатнинг янги йўллари ва усуллари қўлланилиши ҳамда иш ўринларини такомиллаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (хизматлар кўрсатишнинг) юқори даражасига эришиш илгари белгиланган меҳнат нормаларини қайта кўриб чиқиши учун асос бўла олмайди. (МКнинг174-модда).

#### **6.41. Янги банд киритилсин:**

6.41. Иш берувчи қўйидаги кафолатли қўшимча тўловларни амалга ошириши шарт (МК-281-модда):

иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолиши чоғида бундай бекор туриб қолиш давом этган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган ўртacha иш ҳақининг тўлаши;

иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ходим томонидан меҳнат нормалари, меҳнат (лавозим) мажбуриятлари бажарилмаганда ходимнинг амалда ишлаб берган вақтига мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошнинг) камида учдан икки қисмини саклаб қолиши;

Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўлаш;

дам олиш, ишланмайдиган байрам кунларидаги ва иш вақтидан ташқари иш учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилиш;

ўзи учун иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланган ходимларга тўлиқ иш вақтида ишловчи тегишли тоифадаги ходимлар учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоригача бўлган қўшимча тўловни амалга ошириши;

ушбу Кодексда назарда тутилган айрим асослар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганида мазкур Кодекснинг 173-моддасининг учинчи қисмида белгиланган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаши;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи ёки унинг бир қисми миқдорида вактингчалик мөхнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа тўлаши.

#### **6.42. Янги банд киритилсин:**

6.42. Мөхнат кодексининг 253-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик бўйича ўз вақтида чоралар кўриш.

#### **6.43. Янги банд киритиши**

6.43. Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва мөхнат жамоаси манфаатларига доир қўшимча вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш даврида унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақини сақлаш.

#### **6.44. Янги банд киритиши:**

6.44. Донор бўлган ходимларга бевосита қон ва унинг таркибий қисмлари топширилган ҳар бир кундан кейин дам олиш куни берилади. Ходимнинг хоҳишига қўра бу кун йиллик мөхнат таътилига қўшилади ёки қон ва унинг таркибий қисмлари топширилган кундан кейин йил давомида бошқа вақтда бу кундан фойдаланилиши мумкин.

Тиббий текширув ўтказиладиган ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари топширилладиган кунда ишдан озод қилинганда, шунингдек дам олиш кунларида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Донорлик фактини тасдиқлаш, шу жумладан тиббий текширувдан ўтиш ҳамда бевосита қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш қон хизмати томонидан берилган маълумотнома ёки бошқа хужжат асосида амалга оширилади.

### **VIII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

#### **8.8. Янги банд киритилсин:**

8.8. Мөхнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги мөхнат шартномаси тарафининг бошқа тарафга етказилган зиённинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаш мажбуриятини ифодалайдиган юридик жавобгарликдир.

Бунда Иш берувчининг ходим олдидаги шартномавий жавобгарлиги Мөхнат кодексида назарда тутилганидан кам бўлмаслиги, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса Мөхнат кодексида назарда тутилганидан юқори бўлмаслиги керак.

### **XI. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ**

#### **9.1.19. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

9.1.19. Иш берувчи қўйидагиларни дастлабки (мөхнат шартномасини тузабётганда) ва даврий (мөхнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиши шарт:

йўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни;

умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларни;

ногиронлиги бўлган шахсларни;

мөхнат шароитлари нокулай бўлган ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт воситаларининг ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганларни;

озиқ-овқат саноатида, савдода ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда иш билан банд бўлганларни;

Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларнинг ҳамда бажарилаётганда дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўриклар ўтказиладиган бошқа ишларнинг рўйхати ва ушбу кўрикларнинг ўтказилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Мажбурий тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади.

Мажбурий тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти қонунчиликка мувофиқ мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Ходимлар мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши муносабати билан чикимдор бўлмайди.

Ходимлар мажбурий тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Иш берувчи мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларни ишдан четлаштириши шарт.

Агар ходим соғлигининг ёмонлашиши меҳнат шароитлари билан боғлиқ деб хисобласа, у навбатдан ташқари мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни талаб қилиш ҳукуқига эга.(МКнинг**360-моддаси**)

#### **9.1.20. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

9.1.20 Меҳнат жараёнида заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирига дучор бўладиган ходимларга хафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади, бундай касблар ва ишлар рўйхати иш ўринларини шаҳодатлаш хulosасига асосан белгиланади.

#### **9.1.22. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

**9.1.22. Иш берувчи** Меҳнат шароитлари ва асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш асосида аниқланадиган, меҳнат шароитлари ходимнинг меҳнат қобилиятига ва соғлиғига номақбул таъсир кўрсатадиган иш ўринларида банд бўлган ходимларнинг иш ўринларини меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлигини ҳамда асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфини баҳолаш, заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш, шунингдек меҳнат шароитларини, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлигини қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказади.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади ва иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш натижаларига асосан меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган нормалар бўйича:

9.1.22.1. сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари (17-илова);

9.1.22.2. даволаш-профилактика озиқ-овқати; (18-илова).

9.1.22.3. маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлайди. (19-илова).

#### **9.1.39. Янги банд киритиш**

9.1.39. Ходимнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолларда карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилганда “Covid-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланиши шароитида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтнинчалик санитария қоида ва меъёрларининг техникавий шартлари” (0372-20-сон СанҚвам) бажарилишини таъминлайди.

## X. БЎЛИМ ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КаФОЛАТЛАР

### 10.1. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг қўйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

- а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (167, 227, 228, 240, 242-моддалар);
- б) атом обьектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (167-модда);
- в) I ва II гурӯҳ ногиронлари учун (96, 218, 227, 228, 242, 360, 423, 424, 425, 426, 427, 428, 429, 430, 431, 458-моддалар).

### 10.2.6. банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.2.6. Мехнат шартномаси бекор қилиш асосларидан қатъий назар (бунда МКнинг 161-моддаси иккинчи қисми 4 ва 5 бандлари ҳамда 168-моддасини 3,4 ва 8 бандаларида кўзда тутилган асослар мустасно) ходим пенсияга чиқиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда, унга корхонадаги узлуксиз ишлаган даврига мос равишда бир марталик нафақа(моддий ёрдам) ёрдам берилади.(26-илова)

### 10.22 банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.22. “Navoiyazot” акциядорлик жамияти тасарруфида Навоий шаҳрида хизмат уйи бўлмаганлигини инобатта олиб, Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳридан таклиф этилган мутахассислар учун ижарага олинган хонадон (квартира)лар ижара хақлари корхона ҳисобидан қопланади.

### 10.24 банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.24. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, ўзи ва оила аъзоларини оғир жароҳлик амалиётларини ўтказиш ва даволатиш учун ҳамда уй-жойга муҳтоҷ ходимларни қўнимлилигини таъминлаш учун 50 фоиз иш хақи ҳисобидан ушлаб қолиш ва қайтариш шарти билан бўнак (аванс) пули бериш масаласи молия ва иқтисод бўйича бошқарув раиси хузуридаги комиссия томонидан кўриб чиқилади.

### 10.25. Янги банд киритилсин:

10.25. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари борасида улар ўзи учун қонунчиликда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланади. (МК-425 м.)

## XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ

### 11.4.1. Янги банд киритилсин:

11.4.1. Болалар соғломлаштириш оромгохида “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан нокулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

## **XII. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШФУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР**

### **12.3. банди меҳнат кодексига асосан ўзгартирилсин:**

12.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

- а) ҳомиладор аёллар учун (119, 129, 392, 408, 396, 398, 227, 228, 229, 400, 404, 394, 403-моддалари);
- б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (227, 228, 242, 395, 405, 407, 395, 396-моддалари);
- в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (119, 129, 242, 397, 409, 393, 396, 405, 395-моддалари);
- г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (242, 401, 402, 232-моддалари);
- д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (401, 402,-модда);
- е) ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (96, 227, 228, 396, 398-моддалари);
- ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (406, 410-моддалари).

## **XIII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР**

### **13.3. банди меҳнат кодексига асосан ўзгартирилсин:**

13.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МКнинг 129, 218, 227, 228, 230, 232, 341, 343, 360, 411, 412, 413, 414, 415, 416, 417, 418, 419, 420, 421, 422 –м.);
- б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МКнинг 167, 227, 228, 383, 384, 385, 386, 387-м.);
- в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (МКнинг 96, 129, 161, 167, 289-модалар).

### **13.8. Янги банд киритилсин:**

13.8. Иш берувчи томонидан ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш. (МК 367-м).

### **13.9. Янги банд киритилсин:**

13.9. Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтиш чоғида ходимлар таълим ташкилотида белгиланган қоидаларга риоя этиши, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш натижаларини иш берувчига тақдим этиши шарт. (МК 370-модда).

## **XIV. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ХОДИМНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**

### **14.5. Янги банд киритилсин:**

14.5. Ходимларни касбга тайёрлаш деганда ходимларда назарий ва амалий билимларни шакллантиришга, шунингдек муайян соҳада касбий фаолиятни амалга оширишга ва (ёки) муайян касб ёки мутахассислик бўйича ишларни бажаришга имкон берувчи кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш тушунилади. Ходимларни касбга тайёрлаш иш берувчининг йўлланмаси бўйича ихтиёрий равишда таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Ходимларни қайта тайёрлаш деганда ходимларни технологияларга ёки меҳнат жараёнига нисбатан талаблар ўзгариб бораётганлиги сабабли янги касбий билимлари, малакалари ва кўникмаларни эгаллаш мақсадида ёки янги касбни эгаллаш учун ўқитиш тушунилади.

Малака ошириш деганда ходимнинг ундаги мавжуд касб ва мутахассислик бўйича ишларни бажаришга тайёрлигини тавсифловчи, ходимнинг касбий билимлари, малакалари ва кўникмалари даражасини такомиллаштириш тушунилади.